

Тақдиримсан,  
бахтимсан,  
эркин ва обод  
Ватан!



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT **XALQ ZIYOLILARI GAZETASI** معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 11-avgust, shanba № 64 (8505)

## КЕКСА ПЕДАГОГНИНГ ҚУВОНЧИ

### Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligiga

Қаршилик педагог Эркин Кенжаев 45 йил ёшларга кимё-биология фанидан сабоқ берган. Шарафли ва машаққатли меҳнати муносиб кадрланиб, давлатимиз раҳбарининг фармониغا мувофиқ 2007 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган моҳир педагог бугун набиралари даврасида кексалик гаштини сурмоқда.

Э.Кенжаев мамлакатимизда истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаган замонавий таълим муассасаларида ўқитиш ишлари самарадорлиги ошиб бораётганидан, ўғил-қизларимиз иқтидори, илмий ва ижодий салоҳияти билан жаҳон майдонида ҳеч кимдан кам эмаслигини намойён қилаётганидан қувончини яширмайди.

— Шу йилнинг февраль ойида пойтахтимизда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг

энг муҳим шarti” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияни матбуот орқали кузатиб бордим, — дейди Эркин Кенжаев. — Унда иштирок этган халқаро экспертлар Ўзбекистонда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар ва бу соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар қўллаб-даватларга ибрат ва намуна бўлишини таъкидлаганида, гурурланиб кетдим. Ёшларимизнинг наинки санъат ва спорт, балки аниқ фанлар бўйича ҳам халқаро олимпиадаларда муваффақиятли қатнашаётганидан янада қувонман. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги самараларидир.

Суратда: Эркин Кенжаев набиралари билан.  
Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



**ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:**

**ЭЛЕКТРОН  
ДОСКАЛАР**  
таълим самарадорлигини  
оширишга кўмак  
беради  
3-бет

*Yuksak ma'naviyat —  
yengilmas kuch*

**ЭРТАК  
ЭШИТГАН БОЛА**  
оқни қорадан, эзгуликни  
ёвузликдан ажрата олади  
5-бет

**КЕЛАЖАКНИНГ  
СУЗУВЧИ  
ШАҲАРЛАРИ**  
12-бет

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БОЛАЛАР ТАСАВВУРИДА



Ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадриятларга, давлат рамзларига ҳурмат руҳини синдириб, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг, таълим муассасасининг энг асосий мақсадидир.

Ёшлигидан шундай туйғулар билан ҳамоҳанг улғайган авлоднинг қалбида эзгулик уруғи ниш уриши ва кун келиб бу навниҳолларни ҳеч қандай шамол бука олмаслиги шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда.)

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик байрами арафасида Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга санъат соҳа-

юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий мусиқа ва санъат мактабларини куриш, мавжудларини капитал таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Мусиқа ва санъат йўналишида болаларга таълим-тарбия беришнинг изчил ва самарали тизими тобора такомиллашмоқда.

Хонобод шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат

Qaror va ijro

залига замонавий ёритиш ва овоз кучайтириш жиҳозлари ўрнатилди.

Энди ўқувчилар машғулотларни барча қулайликларга эга, кенг ва ёруғ хоналарда ўтиши имкониятига эга бўлдилар.

— Мактабимиз учун қурилган янги бино санъат-сева болаларга ажойиб

ЎЛАН АЙТСАК ЯРАШАДИ БУ ВАТАНДА!

Мустақиллик йилларида миллатимизнинг бой маънавияти, бадий-эстетик дидини ўзида мужассам этган халқ ижодиётининг қадимий жанрларидан бири — лапар ва ўлан ижрочилигини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратила бошланди...

...Шу кунли Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўзгача кайфият ҳукм сурди. Сабаби, республикамизнинг турли ҳудудларидан келган лапарчи-ю ўланчилар боғ арон жам бўлиб, ижодий беллашувга киришдилар. Сайлгоҳга келган ёшу қари маданий ҳордиқ чиқариш баробарида халқимизга хос қадриятлар сарчашмасидан ҳам баҳра олдилар.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган лапар ва ўлан ижрочиларининг республика фестивали «Мустаҳкам оила йили»га бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган фольклор жамоалардан жами 65 нафар иштирокчи ўзаро ижодий беллашди.

— Халқнинг орзу-умидларини ўзида мужассам этган лапар ва ўлан қўшиқлари, асосан, ёши катта онахонларимиз томонидан ижро этиб келинган, — дейди «Моҳиситора» фольклор-этнографик ансамблининг хонандаси Феруза Асадова. — Лекин бугунги кунда гувоҳи бўлганингиздек, ёшлар ҳам санъатимизнинг бу ўлмас жанрида ижод қилиб келмоқда. Мен Бухоро шаҳридаги 34-мактабда таҳсил олганман. Ўқувчилик йилларимизда мусиқа фани ўқитувчимиз кўмагида маҳалламиздаги ёши улуг инсонлардан лапар ва ўланларни ёзиб олиб, ижро этар эдик. Ҳамон бу ишни давом эттираяпман. Ниятим ёш авлод қалбида ҳам халқ озгаки ижоди ва меҳр ва ҳурмат уйғотиш.

Ҳа, ўзбек халқига хос бағри-көнглик, соддалик ва самимийлик каби барча фазилатлар халқ ижодиётининг ҳар бир жанрида ўз аксини топади. Чунотчи, «Андихон бораё дедим боролмадим, Ёрга дардим айтмай дедим, айтолмадим» каби сатрларда ўзбек қизига хос ибод-ҳаё уфурби турса, «Қирдан ошиб келди аканг, бўлай деб вафоли ёринг» каби ўланларда эса, мард йигитларимизга хос жасурлик ва қатъият намоён бўлади. Халқ ижодиётининг ўзи бир тарбия мактаби, аслида.

— Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова, Қундузхон Эгамбердиева каби санъаткорлар томонидан қуйланган ва аждодлардан авлодларга ўтиб, сайқалланиб келаётган лапар ва ўланларимизни бутун профессионал ва ҳаваскор ижрочиларимиз маромига етказиб ижро этишди, — дейди ҳакамлар хайъати аъзоси, шоира Умида Абдузаимова. — Уларни баҳолашда ижро маҳоратидан тортиб, саҳна маданияти, матнни тўри туюши, ҳис этганлигига эътибор қаратдик.

— Бизнинг «Хоразм» фольклор этнографик ансамбль жамоасида «Устоз-шоғирд» мактаби яхши йўлга қўйилган, — дейди Урганч шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Динара Иброҳимова. — Бугунги фестивалда лапарчи Зулхумор Норбоева шоғирди Муҳаббат Отабоева билан бирга ўлан ижро этди. Бу шоғирд учун жуда катта мактаб, десам хато қилмайман.

Фестиваль натижаларига кўра, лапар ижрочилиги бўйича 1-урин Хоразм вилояти лапарчиларига насиб этди. Ўлан ижрочилигида эса, Тошкент вилоятидан келган иштирокчилар биринчиликни қўлга киритди. Бундан ташқари, «Ўлан жанрининг ўзига хос талқини», «Ўзига хос анъанавий ижро», «Ўлан ижроси ривожига қўшган хиссаси учун» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

О.ОЧИЛОВА, С.МУЛЛАЕВА, «Ma'rifat» мухбирлари

МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

сида ўз истеъдодини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриал амал бўлмоқда. Унга мувофиқ

мактаби ҳам мазкур қарор асосида замонавий, кўркем қиёфа касб этди. Бу ерда бажарилган бунёдкорлик ишларини «Юксак обод қурилиш» хусусий корхонаси амалга оширди.

— Мактаб учун замонавий андозалар асосида икки қаватли янги ўқув биноси қурилди, мавжуд иншоотлар тубдан реконструкция қилинди, — дейди мазкур корхона раҳбари М.Абдураимов. — Иситиш тизими, электр энергияси ва сув таъминоти яхшиланди. Концерт

байрам тўхфаси бўлди, — дейди мусиқа ва санъат мактаби директори Маҳбуба Хаматова. — 150 ўринга мўлжалланган билим даргоҳимизнинг замонавий асбоб-ускуна ҳамда ўқув жиҳозлари, мусиқа асбоблари, адабиётлар билан таъминлангани болаларнинг мусиқа ва санъатга оид билимларини ошириш, иқтидорини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза мухбири

ЎҚУВЧИЛАР ДАФТАР БИЛАН ТЎЛА ТАЪМИНЛАНАДИ

Миллий матбуот марказида «Республика истеъмолад бозорини мактаб анжонларининг айрим турлари билан тўлдириб бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Миллий маънавиятимизга зид бўлган ёзув дафтарларининг четдан кириб келишини олдини олиш, мактаб бозорларини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва уларнинг сотилишини назорат қилиш максатида ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда шу соҳада фаолият юрифтаётган корхона ва ташкилот вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, журналистлар иштирок этди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда матбаа

корхоналарининг сони 1514тага етди, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги директори ўринбосари Рўздат Сафаев. — Шундан дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган матбаа корхоналари 21та бўлиб, улар ички бозорни дафтар маҳсулотлари билан тўла таъминлаш имконига эга.

Бундан ташқари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.

Жорий йилда 69 млн. донда дафтар ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 53,1 фоизга кўпайганини кўрсатади. Уларнинг экологик софлиги, безак ва муқоваларининг миллий маънавиятимизга мослигини таъминлаш қатъий назоратга олинган.

Олим ЖУМАБОВЕВ, «Ma'rifat» мухбири

Matbuot anjumani

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БОЛАЛАР ТАСАВВУРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги 12-«Кичикинтой» номли санаторий типидagi мак-

табгача таълим муассасасида ҳам бу каби ишлар намунали йўлга қўйилган.

— Энг аввало, болаларга тарбия бераётган тарбиячилари-

мизнинг билим ва малакасига асосий эътиборни қаратамиз, — дейди боғча мудираси Д.Холмирзаева. — Чунки болага илк таълим-тарбия бериш муҳим вазифа бўлиб, тарбиячидан катта масъулият талаб этади. Шу боис, тарбиячиларимиз ўз ўстида тинимсиз изланиб, малака ва маҳоратларини бойитиб борадилар. Шунингдек, тарбияланувчилар миллий қадриятлар, давлат рамзларига оид мавзуларни болаларча тасаввурлари билан чизиб, ясаб ўз маънавий билимларини бойитиб борадилар. Бунинг учун муассасамизда барча шароитлар яратилган. XXI асрда камолга етаётган авлодга замонавий педагогик технологиялар асосида сабоқ бериш ўзининг ижобий самарасини беради.



— Таълим муассасамиздаги 160 нафардан ортиқ тарбияланувчиларнинг ҳар бири рақс, тасвирий санъат, инглиз тили, бадий гимнастика каби тўғрақларга жалб этилган, — дейди тажрибали тарбиячи Раъно Фармонова. — Болаларимиз ўз ижод намуналари билан турли кўрик-танловларда ҳам муно-

сиб иштирок этиб келмоқда. Айни пайтда истиқлолимизнинг 21 йиллиги муносабати билан болалар тарбиячилар ёрдамида давлат рамзларини тайёрлаб синфхоналарни безатиш билан машғул.

МУХБИРИМИЗ Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб барча таълим муассасалари замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган бўлиб, ўқитувчи-мутахассисларнинг компьютер саводхонлигини, замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакасини ошириш диққат марказида турибди. Президентимизнинг 2012 йил 28 май куни қабул қилинган "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида"ги қарориди ҳам замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ва уни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Маълумки, ўқув жараёнидаги асосий муаммолардан бири ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш, берилаётган билимларни тушуниш,

лаш имкониятининг мавжудлиги ўқитувчи ва ўқувчиларга катта қулайлик яратади. Шунингдек, мазкур доска орқали матн, товуш, анимация, графика-

доскалар бир қанча технологиялар бўйича ишлаб чиқарилади. Хусусан, сенсорли, ультратовушли ҳамда инфракизил нурли технология ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Интерактив доска тингловчилар диққатини жалб қилиш ва мулоқотга киришиб кетишга замин яратади, иш жараёнига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда зарур вақтда маъруза, намойиш лойиҳаларини қоғозга чоп этиб тарқатиш имкониятини беради. Шунингдек, ишлаш жараёнида маълумотларни ҳар хил векторли ва растрли форматга ўтказиш, турли дастурларда ҳужжатлар яратиш

уларнинг ўзаро боғланиши ҳисобга олиниши зарур.

Доскалар компьютер билан икки томонлама алоқада ишлайди. Бунда ручкалар «сичқонча» вазифасини ўтайди. Дастурларни юклаш, танлаш ва улардан фойдаланиш учун доска сиртида маркерли ручкани озгина ҳаракатлантириш етарлидир. Бунда электрон маркер ёрдамида изоҳларни ёзиб киритиш ҳамда расмларни доска сирти бўйлаб ҳаракатлантириш мумкин.

Интерактив доскаларнинг яна бир қулайлиги шундаки, улар билан ишлаш учун махсус билим ва тайёргарлик талаб қилинмайди. Ушбу қурилма

**Sinab ko'ring**

матнли ахборотлар, файллар алмашиш имкони яратилади. Бир доскага чизилган тасвир бошқа аудиториядаги доскаларда ҳам кўрсатилади. Дарс олиб бориш жараёнида видеокамера автомат тарзда маъруза ўқиётган ўқитувчи, талаба ёки савол берувчи томонга бурилади.

Электрон доскаларни 2002 йили Матт Мечам (Matt Mecham) ва Чарлес Уорнер (Charles Warner) томонидан яратилган бўлиб, улар кейинроқ бу лойиҳа асосида бир қанча такомиллашган, янгидан-янгидан технология имкониятларини ўзида мужассамлаштирган электрон доскалар – IPBOARD (InvisionPower Board) ни ишлаб чиқди. Мўъжизакор электрон доска орқали тақдимот дарслари, семинар машғулоти ва назорат ишлари самарали ташкил этила бошлади. Фойдаланувчи IPBOARD ёрдамида махсус бўр билан ёзиши, компьютердаги дастурларни ишга тушириши, интернет тармоғига уланиши мумкин. Мазкур доска орқали электрон тестлардан фойдаланган ҳолда интерфаол дарс машғулотларини ташкил этиш имконияти пайдо бўлди. Асосийси, бу қурилма экранни ёрдамида турли масала ва лойиҳаларни режалаштириш, интернет сайтлари, юридик ҳужжатлар, графикалар ва бошқа маълумотларни яратиш мумкин.

IPBOARD интерактив доскадан фойдаланишда электрон кўрсаткич муҳим ёрдамчи восита ҳисобланиб, бизга одат бўлиб қолган доска кўрсаткичи ва электрон маркер вазифасини бажаради. Бу кўрсаткич Wi-Fi технологиясига асосланган бўлиб, (қувват батареялари ва частотасига қараб) 50 метргача масофада туриб ҳам ишлаш имконини беради.

Тармоқ IPBOARD доскадан фойдаланувчилар дастурий таъминот ўрнатилгандан сўнг автоном режимда ишлаши мумкин. Шунингдек, ички тармоқда ҳам фойдаланувчилар интернет ва интернет хизматлари орқали маълумот алмаша олади.

Хуллас, қатор имкониятларга эга электрон доска дарс ва машғулотлар сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим восита вазифасини ўтайди.

**Латофат  
УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Каттакўрғон тумани  
ХТМФМТЭ бўлими  
мутахассиси**



хотирада сақлаш ва қўллаш йўллари эгаллашнинг яхшилашдан иборат. Бу борада таълим соҳасида қўлланилаётган илғор ахборот технологиялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, интерфаол электрон доскалар ҳам таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Замонавий ахборот технологияларининг қўллаб имкониятларини ўзида мужассамлаштирган мазкур восита оддий маркерли доскалар каби кўринишга эга бўлиб, унга ёзилаётган ҳар бир матн, чизма, жадвал тезда компьютер экранда пайдо бўлади.

Электрон доскалар бир қанча афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Жумладан, маълумотни таҳрирлаш кўламининг кенглиги, натижалардан нусха олиш, электрон почта орқали жўнатиш, компьютер хотирасида сақ-

дан биргаликда фойдаланиш мумкин. Ўқувчи-талабаларнинг билим самарадорлигини ошириш, маълумотларнинг хотирасида узоқ муддат сақланишини таъминлаш мақсадида виртуал аудитория яратиш имконияти мавжуд. Биламизки, инсон маълумотларнинг 80 фоизини кўриш, 15 фоизига яқинини эшитиш ва қолган 5 фоизини сезги органлари орқали олади. Бироқ ҳаётда маълумотларни фақат қабул қилибгина қолмай, уни ёдда сақлаш ҳам керак. Бунда электрон доскаларнинг ёрдами катта.

Бугунги кунда электрон доскалар тобора такомиллаштирилиб, янгилар билан бойитилмоқда, имконият ва қулайликлари ошиб бормоқда. Интерактив доскалар бу борада янги босқични бошлаб берди, дейиш мумкин. Ҳозирги кунда мазкур

(PPT, BMP, GIF, JPEG, ICO, EMF, WMF, Microsoft Word, Excel, Power Point), фон режимдаги расмлар ўрнига бошқасини ўрнатиш, матнларни таҳрирлаш ёки тагига қизиш, масофадан туриб белгилаш ва бажариш, мураккаб масалаларни муваффақиятли визуаллаштириш мумкин.

Бу эса, айниқса, ноъанавий дарслар, ўқув семинарлари, дарсдан ташқари машғулотларни олиб боришда, жонли мулоқотларни ташкил этиш, фикрларни янгича йўналишда алмашишда ўқитувчиларга қулайлик яратади.

Интерактив доска, барчага аниқ кўринадиган, хонанинг юқори қисмига (шифт остига) ўрнатилиши лозим. Ушбу қурилма катта сенсорли экран, мультимедиа проектор ва компьютердан иборат бўлиб, жойлаштиришда

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, шунингдек, тадқиқот ишларини олиб боришда катта самара беради. Интерактив экрандаги ёрқин ва аниқ ранглар ўқувчилар эътиборини дарс жараёнига жалб қилади ва янги мавзунини тез, яхши англаб олишларига ёрдам беради.

Замонавий доскалар янги ўқув методларини амалда қўллаш ва ишлаб чиқишда қўл келиши аниқ. Шу билан бирга, янги ўқув материаллари мазмунини билиб олиш ва интеллектуал ўйинлар ўтказишда ҳам асқотади.

Интерактив доскалардан бугунги кунда тобора кенг тарқалиб бораётган масофадан видеоқонференциялар ташкил этишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда бир вақтнинг ўзида



**Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган "Энг улуг, энг азиз" республика танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Танловда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу гоани ўзида мужассам этган ва истиқлол йилларида бarchа жабхаларда кўлга киритилган ютуқлар, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тафаккури, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, мамлакат тақдирини ва келажигига дахлдорлик туйғуси кучаяётгани, "Мустахам оила йили" Давлат дастури ижроси ва самаралари ифода этилган кўпба асарлар кўриб чиқилди.

Якуний натижаларга кўра, Бухоро шаҳридаги "Ситора" халқ кино ва фотостудияси раҳбари Шавкат Болтаев тасвирий санъат асарлари номинацияси бўйича ғолиб чиқди. У олган фотосуратларнинг асосий мавзусини Ўзбекистон, қадимий ва навқирон Бухоро ва унинг бунёдкор одамлари, истиқлол шарофати билан тикланган ва ривожланаётган миллий қадриятларимиз ташкил этади. Шунингдек, Ватан мавзусидаги шеърлари учун шоир Самандар Воҳидов, "Тенг тенги билан" фильми муаллифи Улугбек Абдуллаев, тасвирий санъат асарлари йўналиши бўйича Йўлдош Эгамов, оммавий ахборот воситалари бўйича С.Шодиев ва О.Хамроев ғолибликни кўлга киритди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этишди.

**Пойтахтимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган республика амалий-услувий семинари бўлиб ўтди.**

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳаф солмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда ёшларни юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш беқийс аҳамият касб этади.

Семинарда бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги, ёшларни «оммавий маданият» таъсиридан асраш, уларда ватанпарварлик ва дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, воғна етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Ёшлар ижод саройида 12 август — Халқаро ёшлар кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, БМТнинг Аҳолишунослик фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирга турли танловлар, ижодий лойиҳалар, грант дастурлари ғолиблари тақлиф этилди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иктидорини кашф этиш, фаолиятини кенг жамоатчиликка таништириш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Йиғилганларга ушбу кенг қўламли лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Tadbirga турли соҳаларда муваффақиятларга эришаётган йиғит-қизларга совғалар топширилди. Санъат усталари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказилди.**

Tadbirда шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари ва ФХДЭ бўлимлари ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, психологлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мутахассисларнинг "Никоҳ қуришнинг ҳуқуқий омиллари", "Оила мустаҳкамлигида эр-хотин муносабатлари", "Исролда оила масъулияти" каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Tadbir доирасида ўтказилган мавзуга оид викторинада фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшлар муносиб тақдирланди.

**Ўза ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Муҳокамада — энергетика истиқболи

Миллий матбуот марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан «Республикада қайта тикланувчи энергия манбаларини татбиқ қилиш тажрибаси ва истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

БМТ Бош Ассамблеяси барқарор ривожланишда энергиянинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда 2012 йилни «Халқаро барқарор энергетика йили» деб эълон қилган. Бу эса энергетик ресурсларга эҳтиёжни барқарор қондириш, ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имконини кенгайтириш масаласига дунё миқёсида эътиборни кучайтирди.

Анжуманда сўзга чиққанлар қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш

атроф-муҳитга техноген таъсирларнинг камайириш ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишди. Юртимизда кўёшли вақт бир йилда 2000—3000 соатни ташкил этгани боис кўёш энергиясидан фойдаланиш жуда қулай. Ўзбекистоннинг бу борадаги имконияти 50973 млн тонна нефт миқдорига тенг деб баҳоланади. Бу эса республика худудидаги ҳозиргача текширилган бarchа қайта тикланувчи энергия манбаларининг 97,7 фоизини ташкил этади.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА  
«Ma'rifat» мухбири

## Хусусий боғчалар

### фаолиятни такомиллаштириш муҳим вазифа

Республикамизда нодавлат таълим муассасалари, хусусан, МТМлар фаолиятини янгича мазмунда ташкил этиш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўкон шаҳрида «Туман таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда нодавлат таълим муассасалари ҳамкорлиги» мавзусида бўлиб ўтган республика семинарида амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди.

Дастлаб иштирокчилар шаҳардаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан қўқон танишдилар. Айниқса, Қўқондаги «Она-бoла» нодавлат таълим муассасаси фаолияти йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Tadbirда сўзга чиққанлар худуддаги нодавлат мактабгача таълим муассасалари фао-

лиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, ўзаро ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталдилар.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда тренинг машғулотларида ўзаро тажриба алмашишди. Республика нодавлат мактабгача таълим муассасалари ассоциаци-

яси раиси Ф.Ваҳобованинг «Ўзбекистон Республикасида нодавлат таълим секторининг яратилиши ва тараққиёти» мавзусидаги маърузаси орқали иштирокчилар муҳим маълумотларга эга бўлишди.

Семинарда Тошкент, Самарқанд шаҳарлари, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги нодавлат таълим муассасаларининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Анжуман сўнгида ташкил этилган давра суҳбатида хусусий боғчалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ва изланишлар ҳақида фикр юритилди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Маҳаллийлаштириш йўлида

Миллий матбуот марказида «Хомашё ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш асосида мебель саноатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш, чет давлатларда савдо уйлари очиб, янги иш ўринларини яратиш, ишчи-ҳодимлар малакасини юксалтириш, кадрлар захирасини коллеж битирувчилари ҳисобига тўлдириш мақсадида ташкил этилган анжуманда «Файз Холдинг» компанияси ходимлари, тadbirkorлар ва журналистлар иштирок этди.

— Мебель ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. 2003 йилда бу кўрсаткич 28,1 млрд сўмини ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 195,6 млрд сўмга етди. Аҳоли ва муассасалар талабларини тўла қондириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш мақсадида кўпгина ишлар олиб берилмоқда, — дейди «Файз Холдинг» компанияси директори ўринбосари Фуқрат Баратов. — Асосий хомашё четдан келтирилади ва бу йил

импорт махсулотларининг салмоғи 52,1 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилаёпти. Касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланаёпти.

Матбуот анжумани якунида «Файз Холдинг» компанияси вакиллари бундан кейин ҳам корхона—коллеж ҳамкорлиги йўналишига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлашди.

Олим ЖУМАБОВЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Мадҳинг куйлаш — кўнглимдаги шиорим!

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 40дан ортиқ профессионал ва ҳаваскор хонанда ўз маҳоратини синаб кўрди.

Ватанни куйлаш ҳар бир санъаткор учун шараф! Онаюртни севиш, Ватанни улуглаш, биринчи галда, унга хиз-

мат қилиш, корига яраш ва содиқ фарзанд бўлишдир. Буни Ватан мавзусини қаламга олган шоир, куйга солган бастакор, куйлашга чоғланган хонанда юракдан ҳис этмоғи керак.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларини мусиқанинг оригиналлиги, матнининг таъсирчанлиги, мазмун-

дорлиги, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат гоаяри билан йўғрилганлиги ҳамда ижронинг мукамаллиги каби мезонлар асосида баҳолаб бордилар.

Танлов натижаларига кўра, профессионал санъаткорлар ўртасида I ўринни Илхом Иброҳимов эгаллаган бўлса, ҳаваскорлар кўригида I ўрин «Дурдона» гуруҳи, Сайёра Маматқуловага насиб этди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## Истиқлол иншоотлари

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик айёми арафасида Бувайда туманидаги Бувимозор қишлоғида 80 ўринли янги мактаб биноси қад ростлади. «Ҳамид муноси» МЧЖ бунёдкорлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишларига 363 миллион сўм маблағ сарфланди.

катта қувонч билан бошлайди, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассиси Баҳодир Имомиддинов. — Янги мактаб биносининг фойдаланишга топширилиши ўқитувчи ва ўқувчиларга янада катта масъулият юклайди.

Соҳибжон ҲОТАМОВ,  
Фарғона вилоятидаги Ёрмозор академик лицейи ўқувчиси

— Янги ўқув йилини қишлоғимиз ёшлари

## Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

«Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Қарға қақимчи экан, чумчүк чакимчи экан. Ғоз карнайчи экан, ўрдақ сурнайчи экан. Тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан бир танга қарздор экан. Узоқ ўтган замонда бир подшо бўлган экан...» каби сўзлар билан бошланувчи ўзбек халқ эртаклари бизни беихтиёр болаликнинг ширин дамларига етаклайди. Ёшлигимда онамиз ҳар тун уйқудан олдин бизга эртақ айтиб беради. Биз ҳам онамизнинг тезроқ эртақ бошларини ёки қўлига эртақ китоб олишини, воқеаларни ифодали ўқиб беришини интизорлик билан кутардик. Кун бўйи ўйнаб чарчаганимизга қарамай, кўзимиз юмилай-юмилай деса ҳам эртақларни жон қулоғимиз билан тинглар, қахрамонлар кечмишларидан ҳайратланиб уйқуга кетардик.

Юртбошимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига «...бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қахрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган», дея таъкидлайди. Бунда эса халқ оғзаки ижодининг, жумладан, боланинг мурғак қалбига, дунёқарашига ва тасавурига энг яқин бўлган эртақларнинг ўрни бекиёсдир.

БАХТГА ЧОРЛАГАН  
ЭРТАКЛАР

Болаликда эшитган эртақлардаги воқеалар ҳали-ҳануз кўз олдимда туради. Онамнинг майин овозда ўқиши эса қулоғим остида янгради. Уша пайтлари энг ёқтирган, севиб тинглайдиганим бахт куши ҳақидаги эртақ эди. У менга бахт ташушчасини дастлаб аңглатган: Подшоҳ оламдан ўтгач, бахт куши одамлар гавжум жойга учирилган. Қуш энг оқил, энг доно, оққўнғил одамнинг бошига қўнган. Ана шундай бахт меҳнатқаш, олижаноб инсон — Ботирга насиб этади...

Аввал эртақларни болаларча завқ билан тинглаган бўлсам, энди улардаги ҳаётий фалсафани аңглайман. Меҳнатдан ҳамиша бахтли ҳаёт келишини онам ўқиб берган эртақлар орқали ўқдим... Йиллар ўтса-да, бу хотираларни ажиб бир оризқиш билан эслайм.

Эндилликда эртақ айтиш навбати ўзимга келди. Қизим ҳам мен каби эртақ воқеалари қандай давом этиши, қахрамонлар кечинмасига жуда қизиқади. «Ундан кейин-чи, нима бўпти, ундан кейин-чи?» деб кетма-кет бераётган саволларидан биламанки, унинг учун эртақ эшитиш мароқли. Мен ҳам онамдан эшитган эртақларимни имкон қадар фарзандим онгига сингдираман, токи у ҳам мен каби эртақлар орқали ҳаётни ташуниб өтсин.

## ТАРБИЯ МАКТАБИ

Бу хотирани бежиз келтирмадим. Бола кўнглига йўл топишнинг энг мақбул йўли, бу—эртақ айтишдир. Содда, раво сўзлаб берилган эртақлар болани ўзига тезда жалб қилади: яхши ва ёмон, ижобий ва салбий ҳодисалар ҳақидаги қарашларни шакллантиради.

Бир танишим ўғлининг ёлгон гапиришидан шикоят қилиб қолди:

— Беш ёшли ўртанча ўғлим ёлгон гапирадиган одат чикарди. У доим мени, оиламиздагиларни турли ёлгонларига ишонтирмоқчи бўларди. Қаттиқ ташиш-

ЭРТАК  
ЭШИТАН БОЛА

оқни қорадан, эзгуликни ёвузликдан ажрата олади

ландим. Танбех, койшларим бекор кетди. Аксинча, бу одати кундан-кун кучайиб борди. Шунда менга эртақ китоблари кўмакка келди. Унга ёлгончилик ҳақидаги эртақларни ўқиб бера бошладим. «Эгри ва Тўғри» эртагидаги Эгривойнинг ёлгончилиги сабаб жазолангани, одамлар орасидан қувилганлиги, Тўғривойнинг эса, мурод-мақсадига етганлигини қулоғига қуйдим. Қўзларини жовдиратганича болам қилган ишидан пушаймон эканлигини айтди. Натийжада ёлгончилик одатидан қутулди.

Бола учун энг яқин инсон—она. Унинг ҳар бир хати-ҳаракатидан айтган сўзларига бола учун аҳамиятли. Шу боис, она болани уриб-сўқиб тарбиялаганидан кўра, эртақлардан фойдаланса, яхши самарага эришади.

БҮРИ — ЛАҚМА,  
ТУЛКИ — АЙЁР

Бола мурғак қалб эгаси. Унга оламдаги барча нарсалар қизиқ туюлади. Кўп ўзбек халқ эртақларида ҳайвонларнинг сеҳрли олами ҳақида сўз боради. Ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳислатларнинг қахрамонлар феъл-атвори орқали таққосланиши эртақларнинг қизиқарлигини оширади. Масалан, «Зумрад ва Қиммат», «Эгри ва Тўғри», «Уртқўмоқ», «Олтин тарвуз» эртақлари шулар жумласидандир. Бўри лақмалиги боис айёр тулкининг тузоғига тушади. Куён—қўроқ, чумолининг меҳнатқашлиги болада ҳайвонот ва ҳашаротлар оламига қизиқшини ортиради...

Ботир йигитнинг жодугар кампирни энгиб, ўз малика-

сини озод қилиши ўғил болада жасурлик, қизларда эса, вафодорлик ҳиссини уйғотади. «Уч оға-ини ботирлар» эртаги ака-укалар ўртасидаги меҳр-оқибат, бирдамлик, ҳамжихатлик тушунчаларини шакллантиради.

## ЭРТАКЧИ МОМОН

Ота-она эртақ сўзлаганда боланинг диққатини ўзига тортиши лозим. Эртақнинг керак жойларда баланд, керак жойларда паст овозда айтилиши бола уни тез ва осон қабул қилишига имкон беради. 2-3 ёшли болага эртақни бир хил, зерикарли тарзда ўқишдан кўра, ҳолатга кириб, жонли оҳангда айтган маъқул.

— Набираларим доим мenden эртақ айтишимни сўрашади. Бу ўзимга ҳам жуда ёқади. Мен турли эртақ китобларни сотиб ола-

миш» достони, «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Ёрилтош» каби халқ оғзаки ижоди намуналарини маромига етказиб айттарди. Улғайиб момондан эшитган ҳар бир эртақни ўзим китоблардан излаб ўқишга ҳаракат қилдим. Китобларга меҳр момон эртақларидан уйғонган.

Баъзан ота-она болаларининг китоб ўқимаслигидан, унга қизиқиши йўқлигидан нолиб қолади. Лекин ўзлари бирор марта болани китобга қизиқтиришга ҳаракат қилганми? Бугун китоб дўконларига кириб кўзимиз қувнайди. Эслайм: ёшлигимда китоб жонли оҳангидан турли эртақ китоблари бўларди. Уларнинг кўпчилиги оддий муқовода, сифатсиз, сарғайган варақларда, ора-орасида бир-икита расмлар учрарди, хо-

дейди психолог Рустам Олимов. — Эртақлар бола ҳаётининг бир бўлаги. Шундай шахслар ҳам борки, улар вояга етган бўлсаларда, эртақлар оламидан узоқлаша олмайдилар. Сабаби, ёшлигида эртақлар орқали оламини таниган. Бу ҳар кимда ҳар хил кечади. Ҳаётимизда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бўлади. Яқини фожеали тугаган эртақлар болага ёмон таъсир ўтказиши мумкин. Аммо улар ҳаёт фақат яхшиликлардан иборат эмаслигини, доим кундан кейин тун келишини, бу — қонуният эканлигини ташуниб этади. Шарл Перронинг «Қизил қалпоқча» эртагини оладиган бўлсак, эртақ сўнгида бўри Қизил қалпоқчани еб қўйди. Нега ёзувчи айнан эртақни фожеали яқунлади? Сабаби, болани хушёрликка, оғоҳликка ундаган. Ёки «Бўри ва етти улоқ», «Бўғирсоқ» эртақлари қулоқсизлик оқибати нималарга олиб келишини, хавф-хатарга доим тайёр туришни ўргатади. Уйлашимча, эртақларни бузиб айтиш мумкин эмас. Эртақларнинг ҳар бири чуқур маънога эга. Унда ҳикмат бор, ундан ибрат оламиз.

## МУОМАЛА ВОСИТАСИ

Фарзанд билан ота-она ўртасидаги энг яхши муомала воситаси — эртақдир. Боланинг кўнглига йўл топиш учун унинг ўй-хаёллари билан ўртоқлашиш осон эмас. Кўз ўнгимизда ўсаётган боланинг ўз ички олами бор. Унга киришининг энг яхши йўли эртақдир.

— Қизим ҳар оқшом мenden эртақ айтишимни сўрарди. Кундалик ташвишлар боис унга эртақ айтишга ҳафсалам йўқ эди. Табиатан тортинчоқ қизим мenden ўзини олиб қочадиган одат чикарди. Ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлди. Шунда онамнинг маслаҳати билан эртақ китоблар олиб келиб, ўқиб бера бошладим. Эътибор қилсам, у менга жуда кўп савол берадиган бўлди. Биз тезда иноқлашиб кетдик... — дейди педагог Нигора Абдуллаева.

Болангизга бир эътибор қилинг. Унинг бўй-басти жойида. Рисоладагидек улғаймоқда. Бўйининг чўзилганлигини кўриб кўзимиз қувонади. Лекин унинг ички олами, онги-чи, бугун у нималар ҳақида ўйлаяпти? Биз боланинг ташқи кўринишидан хабардормиз, аммо ички оламидан эмас. Рўзғор ташвишлари деб елиб-югурган бир вақтимизда боланинг учун бироз вақт ажратайлик. Уларнинг ички оламига кириб боришда энг осон йўл — эртақлардан фойдаланайлик. Шарқона эртақларимиз болаларимизда маънавий имунитет ҳосил қилади. Шу боис, эртақ айтишдан эринмайлик. Болаларимиз ҳам келажакда ўз фарзандларига биздан эшитган эртақларни ҳаяжон билан сўзлаб берсинлар.

Феруза ХОЛМУРОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

# TEXNOLOGIK XARITA

## dars samaradorligiga erishishda muhim ahamiyat kasb etadi

O'qituvchilik kasbi kishidan bir umr ijodkorlikni, yangilikka intilib yashashni talab etadi. Olaylik, bir soatlik darsni mazmundor asar darajasiga yetkazguncha qanchadan-qancha turlarni mulohaza bilan o'tkazishga to'g'ri keladi. Negaki, fidoyi muallim darslikdagi ma'lumotlar bilangina kifoyalaniq qolmay, qo'shimcha izlanib, yangiliklar kiritishga harakat qiladi. Nazariy bilimlarini amaliyotda sinovdan o'tkazib, hayot tajribasi bilan uyg'un holda boyitib boradi. Busiz ta'limda yuqori natijalarga erishib bo'lmaydi.

Ayni chog'da ta'limda interfaol usullar, innovatsion g'oyalari, pedagogik va axborot texnologiyalarini qo'llashga bo'lgan talab ortayotir. Shu paytga qadar o'quvchi an'anaviy ta'limda tayyor bilimlariga egallab kelgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar bolani o'z ustida ko'proq ishlashga da'vat etadi. Ya'ni, har bir o'g'il-qiz muttasil o'rganib, bilganlarini tahlil etib, to'ldirib, hatto xulosani ham o'zi mustaqil ravishda chiqarishi lozim bo'ladi. O'qituvchi esa boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik vazifasini o'taydi.

Dars mobaynida o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi umumiy muloqotning kamayishi, bir-birini anglashga bo'lgan ishtiyonning susayishi ko'z ilg'amas bo'shliqni yuzaga keltiradi. Bilimi o'rtamiyona muallim zaif tomonini yashirish maqsadida o'quvchiga ortiqcha talablar qo'ya boshlaydi, haddan ziyod ko'p topshiriq beradi. Qarabsizki, bola

uy vazifalarini bajarolmay, o'qishga, bilishga, o'rganishga nisbatan rag'batli so'na boradi. O'qituvchi shogirdidagi bunday ruhiy holatni payqab, oldini olish choralarini ko'rmasa, tuzatib bo'lmamas muammo yuzaga kelishi turgan gap.

Mashg'ulotlarning rang-barangligiga erishish, yangiliklar kiritib borish ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Bunda interfaol usul, ya'ni jamoaviy yaxlitlikka erishish qo'l keladi. Qirq besh daqiqa davomida imkon qadar o'quvchi fikr-xayolini bir mavzuga band etib turishga erishish muhim. Shunda ularni mustaqil ijodiy fikrlashga xizmat qiladi. Bunda o'qitilayotgan fan va o'tilayotgan mavzuning xususiyatlari, o'quvchilarning ehtiyoj va imkoniyatidan kelib chiqiladi.

Har bir mashg'ulotni yaxlit holda ko'rish va tasavvur etish uchun dars jarayonini loyihalashtirib, darsning texnologik xaritasini tuzib olish kerak. Bunda o'qitilayotgan fan va o'tilayotgan mavzuning xususiyatlari, o'quvchilarning ehtiyoj va imkoniyatidan kelib chiqiladi. Xarita tuzish uchun o'qituvchi pedagogika va psixologiyani o'zlashtirgan bo'lishi, axborot texnologiyalari yangiliklarini bilishi lozim. Juda ko'p ilg'or usullardan mahorat bilan foydalanibgina qolmay, o'qituvchining o'zi shaxsiy metodikasiga ham ega bo'lishi zarur. Shundagina ish oson kechadi.

Texnologik xaritada dars bosqichlari yaxlit aks etib, maqsad, vazifa va natija, ta'lim texnologiyasi o'z ifodasini topadi. U avvalgidek kengaytirilgan konsept yozishdan xalos bo'ladi.

**Izoh: Klaster (g'ujum, bog'lam) metodi** pedagogik, didaktik strategiyaning muayyan shakli bo'lib, o'quvchilarga ixtiyoriy muammo(mavzu)lar xususida erkin o'yash va shaxsiy fikrlarini bema'lol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordam beradi. Ushbu metod muayyan mavzuning o'quvchilar tomonidan chuqur hamda puxta o'zlashtirilguniga qadar fikrlash faoliyatining bir maromda bo'lishini ta'minlashga xizmat qiladi.

### Darsning borishi

Dars o'tilgan mavzuni so'rash bilan boshlanadi. O'quvchilarning o'tilgan mavzuni o'zlashtirganlik darajasi izohli diktant va o'yin asosida tekshiriladi.

Namuna: izohli diktant.

**1. Kitoblar borki, varaqlab chiqishning o'zi kifoya, kitoblar borki, ularni simirib, biroz qisminigina chaynab hazm qilishga to'g'ri keladi. (F.Bekon). 2. O'zga asr adiblari bilan hamsuhbat bo'lish - bamisoli saxovat qilishday gap. (R.Dekart). 3. Ochganingda huzurlanib, yopganingda ruhan boyiganingni his ettiradigan kitobgina yaxshi kitobdir. (A.Skott).**

Diktant yozib bo'lingandan so'ng p va b undoshlarining talaffuzi va imlosi haqidagi bilim-tushunchalarni mustahkamlash maqsadida shunday ish turidan foydalanilgani ta'kidlanadi. Ushbu undoshlarning talaffuzi va yozilishiga oid ma'lumotlar diktantni tekshirish jarayonida mustahkamlanadi.

**"Kim tez va ko'p topadi" o'yini.**

**Topshiriq.** Qo'sh undoshli so'zlarda biri talaffuz etiladigan hamda ikkalasi ham aniq talaffuz qilinadigan so'zli gap tuzish.

**Namuna:** Hamma to'garak mashg'ulotiga qatnashish uchun yig'ildi.

Nozimaning jussasi singlisiga nisbatan kichikroq.

**Yangi mavzu:** «Tutuq belgisining ishlalilishi»

Sinf o'quvchilari 2 guruhga bo'linadi va topshiriqlar beriladi.

1-guruhga topshiriq: **San'at, in'om, mas'ul** so'zlarida qo'llanilgan tutuq belgisining vazifasini aniqlash.

2-guruhga topshiriq: **mo'tabar, mo'jiza, mo'tadil** so'zlarida birinchi bo'g'indagi cho'ziq unlining talaffuzi va imlosini tushuntirish.

Guruhlar topshiriqlarni guruh bo'lib bajarib, taqdimot qiladi.

**Darslik bilan ishlash.** 435-437-mashqlar shartiga ko'ra bajarilib, xulosa chiqariladi. O'quvchilar tomonidan berilgan fikrlarni o'qituvchi umumlashtiradi.

**Guruhlarda ishlash davom ettiriladi.** Sinfning bir qismiga tutuq belgisi qo'llangan 10ta atoqli ot, ikkinchi qismiga 10ta turdosh ot tanlash, tutuq belgisining vazifasi va so'zning ma'nosini izohlash topshirig'i beriladi.

**Guruhlardagi ish natijalari himoyasi.** Topshiriqni bajargan guruh sardori chiqib, mustaqil ish natijasini himoya qiladi. Takrorlangan so'zlar guruhlar tomonidan qayta izohlanmaydi. Topshiriqni birinchi bajargan guruh a'zolari rag'batlantiriladi.

**Namuna.** Atoqli otlar: *Ra'no, A'lo, Tal'at, E'tibor, E'zoz, Mas'ud, Ma'mura va h.k.*

**Turdosh otlar:** *mash'al, san'at, ta'na, sa'va, da'vo, qit'a, sur'at, bid'at va h.k.* Imkon darajasida quyidagi mashqlar bilan ham ishlash tavsiya etiladi.

1-mashq. Tutuq belgisi bilan yoziladigan so'zlar qatorini davom ettiring va ularni imlo daftaringizga yozib boring.

I. *A'lo, a'zo, ba'zan, ba'zi; da'vo, da'vat, e'tibor, e'tiqod; fe'l, ma'no, ne'mat; ra'y, va'da, va'z...*

II. *San'at, jur'at, sur'at, bid'at, ma'lum, mash'um, mas'ul, qat'i'y, sun'i'y...*

1-topshiriq. Oldingi mashqda berilgan so'zlarni bo'g'inlarga ajratib.

Namuna: a'-lo, sur'-at...

2-topshiriq. O'sha so'zlarni ko'chiriladigan qismlarga ajratib.

Namuna: a'lo (ko'chirilmaydi), sur'-at...

2-mashq. Quyida berilgan so'zlar ishtirok etgan gaplar tuzing. Ularning talaffuzi va yozilishidagi o'xshash va farqli jihatlarni izohlang.

1. A'zo, ba'zi, va'da, ma'qul.

2. Mo'jaz, mo'jiza, mo'tadil, mo'tabar.

Yangi mavzuning xulosasi sifatida tutuq belgisining ishlalilishi «klaster»i tuziladi.

**Mustahkamlash:** Quyidagi matnni o'qib, yosh Musavoyning nega behad xursand bo'lganini izohlang. Matn asosida bayon yozing. Matnga sarlavha toping va reja tuzib, voqeani III shaxs tiildan bayon qiling.

**Tong payti. Bog'larda ishkamlar uzumga to'la. Chillaki endi qizara boshlagan. Havoda qushlar ovozi yangraydi... Tong shabadasining salqini ko'ngillarga orom beradi...**

**Men va A'zam aravada ketmoqdamiz.** Biz endi yorishib kelayotgan osmonning mayin shohisini, sehrli musiqa va ohangga, misilsiz husn-latofatga to'la bog'larni tantanali sayr etib boramiz. Qalbimizda his-tuyg'ular, shodlik, zavq toshadi.

**Kecha maktabdan qaytganimda onam oppoq qilib yuvgan ko'ylak-shimimni arqonga yoyar ekan, meni kulib qarshi olgan edi.**

— Ertaga jo'naysan, — degan ko'zlarida mehr, sevinch chaqnaq.

— Qayerga? — deb so'radim hapqirib.

— Yangibozorga borasan. Hali to'satdan darvozani qoqib bir kishi keldi. Darrov chiqdim, dadangning oldidan kelibdi. Tayyor bo'lib tursin Musavoy, ertaga tongda olib jo'nayman, dedi. A'zam ham boradi, buvasi chaqiribdi, o'ysisiga aytib keldim.

**Men o'zimdagi yo'q xursand edim. Birpasda cho'llar, buyuk tog'lar ko'z oldimga keladi. Qozoq ovullari, nortuyalar, chopqir otlarni ko'rganday bo'laman.**

**Mana, sehr va go'zallik to'la tong og'ushida A'zam ikkovimiz nihoyat shod, mamnun ketmoqdamiz.**

**Aravada yuk ko'p. Qand, choy, lampashisha, ip-igna kabi ikir-chikir...**

Ilg'or pedagogik texnologiyalar shaxsni o'qitish, tarbiyalash va iqtidorini rivojlantirish tamoyillarini o'zida jamlaydi, yakuniy natija ham shunga monand bo'lishini ta'minlaydi. Maktabimiz misolida aytadigan bo'lsak, o'quv yili yakuni bo'yicha o'zbek tili va adabiyoti fanidan 6-sinflarda 83,7, 7-sinflarda 84, 9-sinflarda 85 foiz o'zlashtirishga erishildi. Shundan xulosa qilsa bo'ladiki, texnologik xarita asosida dars o'tish o'qituvchilar uchun o'ta foydali bo'lib, o'quvchilarni yangicha fikrlashga va erkin ijod qilishga undaydi.

Muhayyo KARIMOVA, Jizzax shahridagi «Umid» ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktab-internatining o'zbek tili va adabiyoti fani o'qituvchisi, xalq ta'limi a'lochisi

### 5-sinf

Mavzu	TUTUQ BELGISINING ISHLALILISHI
<b>Maqsad va vazifalar</b>	<b>Maqsad:</b> - tutuq belgisi va uning nutqdagi vazifasi haqida tushuncha berish; - o'zaro hurmat, hamkorlik tuyg'ularini rivojlantirish; - yozma nutqda tutuq belgisining qo'llanishiga oid mashqlar bajarish, og'zaki nutqni rivojlantirish. <b>Vazifalar:</b> - o'quvchilarda mavzuga nisbatan qiziqish uyg'otish, mavzu asosida bilim va ko'nikmalarni shakllantirish, kengaytirishga erishiladi; - mavzuga oid berilgan savol va topshiriqlarni o'quvchilar guruh holatida qay darajada o'zlashtirishi nazorat qilinadi, ularning bilimi baholanadi.
<b>O'quv jarayonining mazmuni</b>	- Tutuq belgisi va uning nutqdagi vazifasi; - so'zlarda tutuq belgisining o'rni; - o' tovushi va tutuq belgisining yonma-yon kelishi imlosi; - tutuq belgisining ma'no farqlash vazifasi (san'at-sanat); - o'zlashma so'zlarda tutuq belgisining qo'llanishi; - mo'jiza va mo'tadil so'zlarida tutuq belgisining o'rni.
<b>O'quv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi</b>	<b>Metod:</b> klaster, ta'limiy o'yin <b>Usul:</b> induktiv (amaliyotdan nazariyaga) <b>Shakl:</b> yozma va og'zaki; <b>Vosita:</b> «Ona tili» darsligi, ko'rsatmali vosita (plakat), kompyuter texnikasi; <b>Nazorat:</b> izohli diktant, savol-javob; <b>Baholash:</b> 5 balli tizim asosida
<b>Kutiladigan natijalar</b>	<b>O'qituvchi:</b> mavzuning qisqa vaqt ichida barcha o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishiga erishadi; o'quvchi faolligini oshiradi; fanga nisbatan qiziqish uyg'otadi; bir darsda barcha o'quvchilarni baholaydi; darsni mustaqil o'rganish va uni xotirada saqlash, boshqalarga yetkazish, savol berish va savollarga javob berishga o'rgatadi. <b>O'quvchi:</b> tutuq belgisining ishlalilishi yuzasidan yangi bilimlarni egallaydi; mustaqil ijodiy ishlashni o'rganadi, nutqni rivojlanadi; qisqa vaqt ichida ko'p ma'lumotga ega bo'ladi.
<b>Kelgusi rejalar</b>	<b>O'qituvchi:</b> pedagogik texnologiyalarni o'zlashtirib, darsga tatbiq etadi; o'z ustida ishlab, pedagogik mahoratini oshiradi. <b>O'quvchi:</b> mustaqil ishlashni o'rganadi; o'z fikrini ravon bayon qila oladi; o'rganilgan mavzu asosida qo'shimcha materiallar izlaydi; do'stona muhitda, hamkorlikda ishlash ko'nikmasi shakllanadi.
<b>Uyga vazifa</b>	Darslikda berilgan rasmdan foydalanib, «Ajodlar merosi» mavzusida insho yozish

Бугунги ёшларимизнинг теран фикрлари, баркамол маънавий қиёфаларига қараб юртимизда ҳар томонлама етук авлодни шакллантириш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганидан кўнгиллар ифтихорга тўлади. Таълим тизимидаги изчил ислохотлар туфайли янги авлод нафақат танлаган соҳалари бўйича пухта билимли, илмий салоҳиятли, балки замонавий билимларнинг эгаси, чет тилларини мукаммал ўзлаштирган, соғлом фикрли ва соғ танли бўлиб воёга етаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ана шундай ёшлардан бири Тошкент ахборот технологиялари университети радиотехника, радиоалоқа ва теле-радиоёшиттириш факультети рақамли телевидение ва радиоёшиттириш йўналишининг 2-босқич магистранти **Ҳабибулло Носировдир**. У жорий ўқув йилида техника ва информатика йўналиши бўйича **Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси** совриндор бўлди. Айтиш мумкинки, илм олишга чексиз интилишу ғайрати, аниқ ва равшан ҳаётий тамойиллари, олтиндан-да қиммат вақтнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиши уни бу марраларга етаклади. **Ҳабибулло буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Йигитлигиде йиг илмнинг маҳзанин"** ҳикматли сўзини ўзига шиор қилиб олган.

— Ахборот технологиялари — истиқболли соҳа, — дейди **Ҳабибулло Носиров**. — Иқтисодиётнинг ҳеч бир тармоғи тараққиётини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Соҳанинг нақадар тез ва кенг қўламда ривожланиётганини юртимизда фаолият олиб бораётган ахборот-коммуникация сервисларининг кўпчилиги, уларнинг фойдаланувчилари сони ошаётганида ҳам аққол кўриш мумкин. Мисол учун мобил алоқа соҳасини оладиган бўлсак, бу йўналишда ҳам хизмат турлари ҳам кўпайиб, такомиллашиб бормоқда. Янада қувонарлиси, ҳар бир тизимдаги ташкилотлар, шу қатори олий таълим муассасаларини ҳам бирлаштирувчи оптик толали алоқа порталлари яратилди. Радио, телевидение соҳасида эса рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда, миллий теледастурларимиз ва ҳорижий дастурларини рақамли, яъни аналог стандартга нисбатан сифати яхшироқ бўлган шаклда кўриш имконияти пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари, миллий UZ HD (High definition — юқори сифатли) каналли орқали технологик жиҳатдан замонавий талабаларга жавоб берувчи теледастурлар яратилмоқда. АКТ имкониятларини телевидение соҳасига тўла татбиқ этиш бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўпчилигини ҳисобга олган ҳолда "Телевизион дастурларнинг товуш сигналларини фрактал-спектрал сиқининг янги услуб ва алгоритмларини ишлаб чиқиш" мавзусида илмий изланиш олиб бораётган.

Ёш тадқиқотчининг илмий иши моҳияти шундаки, телевизион дастур орқали жўнатилаётган маълумотлар ҳажми камайтирилса, бўш алоқа каналлари ҳосил қилинади. Бу эса янги телеканал, қўшимча хизматлар, мисол учун, интерфасл кўрсатувлар ташкил этиш,

фойдаланувчига дастурларни бир неча тилда кўриш, яъни ўзига қулай тилни танлаш каби қулайликлар яратади. Ҳаракатчан талаба илмий изланишлари натижасида жўнатилаётган телевизион дастур товуш қисмининг ҳажмини камайтириш орқали умумий ҳажмини си-

# ИЛМНИНГ МАҲЗАНИ

қишга эришди. Эътиборлиси, **Ҳабибулло** ўз илмий фаолиятини бакалавриятда таҳсил олиш жараёнида айнан мана шу йўналиш бўйича бошлаган. Олдинига у такрорланишларни ҳисобга олган ҳолда ҳажмини тежашга қаратилган аудиокодак яратган эди. Илмий ишининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтираркан, "Маълумки, муסיқий маълумотларда такрорланишлар кўпроқ юз беради. Чолғу асбобининг бир маромда чалиниши бир кодакга кўчирилиб, қолгани ундан айирилса, сиқиш юзага келади", дейди у.

Оила — қадриятлар бешиги, эзгу орзулар беланчаги, таълим ва тарбия масканга. **Ҳабибулло**нинг аниқ фанларга қизиқиши, илм-фанга ихлоси тасодиф эмас. У тарбия топган оиланда китобга ҳурмат ўзгача. **Ҳабибулло**нинг ота-онаси илм одамлари — отаси **Ҳикматулло Раҳматуллаев** геология-минералогия фанлари номзоди, онаси **Моҳирахон Раҳматуллаева** эса физика-математика фанлари номзоди, доцент. Ота-онасининг фаолиятига

ҳавас руҳида тарбия топган **Ҳабибулло** болалик йиллариданок фанларни яхши ўзлаштириш пайида бўлди. Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактабда, сўнгра 240-мактабда таҳсил олган иқтидорли ўқувчи 2004 йили ўз йўналишини танлади. Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицейида ўқишни давом эттирди. Математика, физика, инглиз тили фан олимпиадаларида, шашка, шахмат ва катта теннис мусобақаларида фаол иштирок этгани сабабли устозлари ишончини қозонди, тенгдошларига ўрناк бўла бошлади. 2006 йили лицейни битириб, Тошкент ахборот технологиялари университетига қабул қилинди. Ўқиш давомида университетдаги корейлик малака оширувчиларнинг ва Ҳинд марказининг компьютер курсларини тугатди. Бу курсларда веб-дастурлаштиришнинг асосий тушунчаларини, Oracle, MySQL, MSOffice, Visual Basic, Visual Studio дастурларини ўрганди. 2007 йили ўқишнинг III чорагидан университет иқтидорли талабалари гу-

## Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

амал қилиб сузиш, қаратэ ва катта теннис билан мунтазам шугулланади. Ватанга хизмат қилиш олий бурчлигини англаган **Ҳабибулло** 2008 йили барча имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, университетнинг ҳарбий кафедрасига қабул қилинди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларда фаол иштироки туфайли ҳам бир неча фахрий ёрликлар билан мукофотланди. Орадан бир йил ўтиб, университетнинг ҳарбий — дала-ўқув йигинида ҳарбий хизматни ўтади. Шу тариқа Ватан ҳимоячисига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирди, юртимиз юкига елкасини тута оладиган ўғлон сифатида шаклланди.

Бакалавриятда ўқиш ва илмий фаолиятидаги муваффақиятлари учун «ИСТ Телеком» МЧЖ корхонаси стипендияси, Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлди. **Ҳабибулло** илмий анжуманларда ҳам фаол иштирок этиб келаётир. 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган "Янги авлоднинг шаклланишида



сига эга LabVIEW, МАТЛАБ дастурларини муस्ताқил равишда ўрганаётган изланувчан талаба мактаб ўқувчиларига математикадан қўшимча дарслар ўтишга ҳамда радиоҳаваскорлик ва конструкторлик амалиёти билан шугулланишга ҳам вақт топа олади.

— Албатта, инсон ўз-ўзиндан ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди, — дейди у. — Унга қимдир маслаҳатгўй бўлиши, тўғри йўл кўрсатиши, иқтидори, қобилияти ва имкониятларини тўғри баҳолаб, муайян соҳага йўналтириши керак. Менинг ҳаётимда ота-онам шундай ўрин тутган. Қолаверса, ютуқларим манбаи — биз ёшлар учун яратилган шароитлар, иқтидорли талабаларга қаратилаётган алоҳида эътибор, илмий раҳбарим **Игорь Гаврилов**нинг талабчанлигида, деб биламан.

Инчунин, устозим илм ҳақида гапира туриб, қуйидаги фикрни кўп бора таъкидлаганининг гувоҳи бўлганман: «Тадқиқотчи илмий фаолиятда асосий мақсад фақатгина иқтисодий манфаатдан иборат деб билмаслиги керак. Изланишлари қанчалик фойдаланиш экани ва келажақда ўша соҳага қандай ўзгартиришлар киритишини тушуниш шарт».

Орузу — интилишга бошловчи куч. **Ҳабибулло Носиров**нинг ҳам ўз олдига қўйган мақсадлари бисёр. Унинг барча орзулари замирида эса юртга керакли, халққа фойдаси тегадиган инсон бўлиш нияти мужассам, албатта.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлганимда ҳаяжон ва хурсандчилик билан бирга минтақадорлик туйғуларини ҳис этдим, — дейди у. — Ўша онда кўнглимдан бу муваффақиятга университети-миз жамоаси, устоз-мураббийларим, яқинларимнинг ишончи ёрдамида эришдим, деган ўй келди. Келажақда ота-онам ва устозларимнинг ишончини оқлайдиган, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган малакали кадр бўлиб етишишни ниёт қилганман.

**Darsning maqsadi:**  
**Ta'limiy:**

1. 1991-yil 18-avgustda SSSR siyosiy hayotining izdan chiqishi sababli, SSSR vitse-prezidenti G.I.Yanayev boshchiligidagi o'zini GKCHP deb atagan bir guruh avantiyurachilarning maqsadi, Prezident Islom Karimovning respublika aholisiga murojaatida GKCHPning faoliyatiga bildirgan munosabati to'g'risida ma'lumot berish.

2. Davlatimiz rahbarining mamlakat mustaqilligi yo'lidagi mashaqqatli harakatlari asoslash.

3. "O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligi asoslari to'g'risida"gi qonunning mazmun-mohiyatini tushuntirish.

4. Mustaqillik yillarida yurtimizda erishilgan yutuqlarni o'quvchilar ongiga yetkazish.

**Tarbiyaviy:**

1. Mustaqillik o'z-o'zidan qo'lga kiritilmagani, tinimsiz kurash — qiyinchilik va yo'qotilish, uyqusiz tunlar, munozara va muhokamalar, izlanish va yaratishlar, intilishlar mahsulini ekanini o'quvchilar ongiga singdirish.

2. Mustaqillikning mazmun-mohiyatini, xalqimizning asriy orzusi ekanini tarixiy misollar asosida tushuntirish.

**Rivojlantiruvchi:**

1991-yil 31-avgustda qo'lga kiritilgan milliy mustaqillik XX asrda xalqimiz tomonidan amalga oshirilgan buyuk ma'naviy jasorat namunasi ekanini slaydlarda namoyish qilish orqali bolalarda Vatanga mehr-muhabbatni kuchaytirish.

Darsning usuli:			
Savol-javob, disput, muhokama.			
Darsni tashkil qilish	Davomatni aniqlash, o'quvchilarning darsga tayyorgarligini ko'zdan kechirish	3 daqiqa	
O'quvchilarni faollashtirish	Darsning didaktik jihozlari orqali o'quvchilarga savollari berish, ularning diqqatini jalb etish va h.k.	15 daqiqa	
Mavzuni yoritib berish	Ma'ruza. O'quvchilar bildirgan fikrlarni to'g'ri yo'naltirish. Mavzuni ochib berish	20 daqiqa	
Dars yakuni	O'quvchilar bilimlari baholash, uyga vazifa	7 daqiqa	

**Dars maqsadi:**  
**Ta'limiy:**

O'zbekiston mustaqil davlat ekanini, davlat mustaqilligining asosiy belgilari, o'tgan davr mobaynida xalqimiz murakkab va mashaqqatli yo'lni bosib o'tgani, turli sinov va qiyinchiliklarga qaramasdan, hal qiluvchi tarixiy vaziyatlarda birlashib, bir musht bo'lib maydonga chiqqani, mustahkam irodasi, qat'iyat va matonati, yuksak insoniy fazilatlarini namoyon etishga erishganini o'quvchilar ongiga singdirish.

**Tarbiyaviy:**

o'quvchilarni yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash.

**Rivojlantiruvchi:** o'quvchilar dunyoqarashini kengaytirish, ularda milliy g'urur, iftixor tuyg'ularini rivojlantirish.

**Dars turi:**

yangi tushuncha va bilimlarni shakllantiruvchi.

**Dars metodi:**

guruhlarda ishlash, "Sinkveyn", FSMU texnologiyasi.

**Dars jihazi:**

darslik, globus, "Odobnoma" fanidan proyeksiya

**Asosiy tushuncha va atamalar:**

Favqulodda holat davlat qo'mitasi, o'zlikni anglash, qonuniy tasarruf, ittifoq shartnomasi, federatsiya, konfederatsiya, iqtisodiy strategiya, moliya, kredit shtasi, tashqi iqtisodiy faoliyat, xalq hokimiyati, huquq, milliy davlatlilik, davlatning moddiy asosi, xususiyashtirish.

**Dars jihazi:**

**Didaktik:** Prezident Islom Karimovning "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" kitobi, 8-sinf "O'zbekiston davlati va huquqi asoslari" darsligi, mavzuga oid rasmlar. Vatman, skotch, rangli markerlar (dars metodidan kelib chiqqan holda boshqa kanselyariya buyumlari).

**Texnik:**

kompyuter, videoproektor, "Mustaqillik arafasida yoxud sho'rolarning so'nggi talvasasi" hujjatli filmi disk.

**Darsning borishi:**

O'quvchilarni faollashtirish uchun beriladigan savollar:

- "Insonning birlamchi huquqi" deganda nimani tushunasiz?
- "Ta'lim olish", "Malakali tibbiy yordam olish", "Dam olish huquqi" haqida nimalarni bilasiz?
- "Mustaqillik" so'zini qanday izohlaysiz?
- Mustaqillik tufayli qanday huquqlarga ega bo'ldik?
- Bu huquqlarning amalga oshirilishini kim kafolatlaydi?

6. "Mustaqillik arafasida yoxud, sho'rolarning so'nggi talvasasi" hujjatli filmning bir qismi (39:00 daqiqasidan 52:35 daqiqasigacha) o'quvchilar e'tiboriga havola etiladi. So'ng ularning munosabati so'raladi.

O'qituvchi o'quvchilar bildirgan mulohazalarni diqqat bilan tinglaydi va oxirida o'zi umumlashtiradi:

— 1991-yil 18-avgustda SSSRda siyosiy hayot izdan chiqdi. SSSR vitse-prezidenti G.I.Yanayev boshchiligidagi o'zini GKCHP deb atagan bir guruh avantiyurachilar M.Gorbachev boshchiligidagi qonuniy hokimiyatni ag'darib, davlat to'ntarishini sodir etishdi. Favqulodda holat davlat qo'mitasining bayonoti e'lon qilindi va

**Mustaqillik darslari**

belgilangan Prezident farmoni e'lon qilindi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining 1991-yil 31-avgustda bo'lib o'tgan navbatdan tashqari oltinchi sessiyasida Islom Karimov O'zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini e'lon qildi. Shundan so'ng mamlakatimiz o'z suverenitetiga ega bo'ldi.

"Suverenitet" so'zi konstitutsiyaviy huquqda alohida ahamiyatga ega atama bo'lib, uning negizida mustaqillik, huquq va erkinlikka bo'lgan egalik, o'z taqdirini o'zi belgilash

2. "Mustaqillik" so'zining lug'aviy ma'nosidan kelib chiqib, xalqning huquqqa ega bo'lishining ahamiyatini tushuntirib bering.

3. Konstitutsiyaning 14-moddasi mohiyatini izohlab berishga harakat qiling. «Ijtimoiy adolat» tushunchasini qanday izohlaysiz? Bunda "ijtimoiy" so'zining lug'aviy ma'nosidan foydalanishga harakat qiling.

"Qonuniylik" iborasi nimani anglatadi? 4. Sharhlang! "Fuqarolar o'z huquq va erkinliklarini amalga oshirishda boshqa shaxslarning, davlat va jamiyatning qonuniy manfaatlari, huquqlari va erkinliklariga putur yetkazmasliklari shart".

5. Mustaqillik insonga nima uchun kerak?

6. Quyidagi jadvalda berilgan matnlarning bir-biriga mosini topib, daftaringizga ko'chiring.

7. Tushirib qoldirilgan so'zlarni o'z joyiga qo'yib yozing.

1989-yil 21-oktyabrda o'zbek tiliga ..... (Davlat tili) maqomi berildi.

1. Suverenitet	A) Birovga qaram bo'lmagan, o'z ixtiyori bilan harakat qilishga qobil, ozod va erkin inson, xalq, davlat faoliyatining mohiyatini ifoda etadi.
2. Mustaqillik	B) O'zbekiston Respublikasi o'z mustaqilligini e'lon qildi.
3. Imperiya	S) Davlatning ichki va tashqi siyosatida mustaqilligi.
4. 1990-yil 20-iyunda	D) lotincha so'z bo'lib, mutlaq, ya'ni cheklanmagan hokimiyatga ega ko'plab mamlakat va xalqlarni majburiy tutqunlikda saqlab turgan yirik tajovuzkor davlatni anglatadi.
5. 1991-yil 31-avgustda	E) O'zbekiston Respublikasining "Mustaqillik deklaratsiyasi" e'lon qilindi.

sifatida davlat va xalqqa tegishli huquqni nazarda tutadi. Hujjatli filmdan 52:39 daqiqasidan 01:02:13 daqiqasigacha ko'rsatiladi. O'quvchilar bilimi baholanadi.

**Uyga vazifa:**

1. "Huquqiy madaniyat" deganda nimani tushunasiz? "Davlat siyosatiga ko'tarish" iborasining ma'nosini tushuntirib berishga harakat qiling.

1990-yil 24-mart ..... (O'zbekiston Respublikasida Prezidentlik) lavozimi joriy etildi.

1991-yil 31-avgustda ..... ("O'zbekiston Respublikasining Davlat mustaqilligi asoslari to'g'risida"gi) qonun qabul qilindi.

**Nargiza ISMATOVA, RTM bo'lim boshlig'i**

ENG ULUG', ENG AZIZ AYYOM

(I-IV sinflar uchun)

qo'llanma, mustaqillik va vatan mavzusiga oid slaydlar, plakatlari, kartochkalar, oq qog'oz va markerlar.

**Faollashtiruvchi savol va topshiriqlar:**

- "Istiqlol" va "Mustaqillik" so'zlarining ma'nosini bilasizmi?
- Mustaqillikka qachon erishdik? Mustaqillik to'g'risida nimalarni bilasiz?
- O'zbekiston Mustaqilligining asoschisi kim?

**O'qituvchi:**

— Aziz bolajonlar, 1991-yil 31-avgustdan O'zbekiston tarixida yangi davr boshlandi. Dunyo xaritasida yana bitta mustaqil davlat — O'zbekiston Respublikasi paydo bo'ldi.

Mana, yigirma bir yildan beri 1-sentabr — Mustaqillik kuni biz uchun eng ulug', eng aziz bayram sifatida nishonlab kelinmoqda.

Vatan — dunyodagi eng buyuk, eng muqaddas tushunchalardan biri, ona yurtning mustaqilligi ham shu qadar e'zozlidir.

Bundan atigi yigirma-yigirma besh yil oldin bugungi ulkan imkoniyatlar ota-bobolarimiz uchun ushalmas orzu bo'lgan. Xalqimizning erkinligi bo'g'lgan, ixtiyori o'zida emas edi. O'lkamizning boyliklariga, xalqimizning mehnati mah-sullariga boshqalar egalik qilardi. Mustaqillik bularning barchasiga barham berib, tarixiy adolatni tikladi. Shu bois ham Mustaqillik kuni biz uchun eng ulug', eng aziz ayyomdir. Mustaqillik tufayli milliy davlatchiligimiz, ko'hna qadriyatlarimiz, toptalgan g'ururimiz tiklandi, biz jahondagi barcha xalqlar qatori ozod va erkin bo'ldik.

Bugun hayotimizning qaysi jabha va sohasini olmaylik, erkinlikka va ozodlikka erishgan, o'z aql-zakovati, bilimi va kuch-qudratiga ishongan xalqimiz buyuk marralarni qo'lga kiritishga qodir ekanini isbotlamoqda (mustaqillik va vatan mavzusiga oid slaydlar va plakatlari ko'rsatiladi).

**Guruhlar bilan ishlash.**

Sinf o'quvchilari "Vatan", "Mustaqillik", "Mustahkam oila" guruhlariga bo'linib, alohida partalarga joylashadilar. Guruhlarga oq qog'oz va marker tarqatiladi.


"Vatan" guruhi a'zolari «ona yurt» tushunchasini rasmlar, so'zlar va she'riy satrlar orqali tasvirlab beradi.

"Mustaqillik" guruhi "Sinkveyn" metodi orqali «Mustaqillik» so'zining lug'aviy ma'nosini izohlab beradi.

"Mustahkam oila" guruhi "oila" so'zi zamiridagi ma'nolarni talqin etadi.

Guruhlar nomidan bir vakil chiqib, qog'ozda aks etgan rasm va matnlarni izohlaydi. Sinf taxtasiga oldindan ilib qo'yilgan "O'zbekiston" krossvordi o'quvchilar e'tiboriga havola qilinadi. Har bir savolga bittadan o'quvchi javob berib katakchalarni to'ldiradi.

- (O'tmish)...siz kelajak yo'q.
- «Mustaqillik» so'zi ma'nodoshi... (ozodlik)



- Yurtimizning tub aholisi .....dan tashkil topgan (o'zbeklar).
- O'zbekiston poytaxti (Toshkent)
- 2012 yil ..... oila" yili deb nomlandi (Mustahkam).
- Davlatimiz ramzlaridan biri (madhiya).
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti... (Islom Karimov).
- Sohibqiron Amir ..... bobomiz (Temur).

**Mohiqul PANJIYEVA, RTM metodisti**

**Maqsad:**

**Ta'limiy:** o'quvchilarga mustaqillik haqida, O'zbekistonning dunyo xaritasida turgan o'rni, istiqloliga erishgandan so'ng iqtisodiy, ijtimoiy, ma'naviy va siyosiy sohalarida qo'lga kiritgan yutuqlarimiz to'g'risida tushuncha berish.

**Tarbiyaviy:** mavzu orqali o'quvchilarda Vatanga muhabbat, qadriyatlarini ulug'lash, vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish.

**Rivojlantiruvchi:** o'quvchilarda jamiyat taraqqiyotiga hissa qo'shish tuyg'usini rivojlantirish.

**Dars tipi:** yangi bilimlar berish.

**Dars turi:** noan'anaviy.

**Dars metodlari:**

"Muzyorlar", "Bumerang" usullari, subbat.

**Dars jihazi:** "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" asari asosida "Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" turkumiga kiruvchi fanlardan tayyorlangan plakatlar to'plami, qog'oz va markerlar.

**Darsning borishi:**

O'quvchilar uch guruhga bo'linib, partalarga alohida-alohida joylashadilar. Dars O'zbekiston Respublikasi davlat madhiyasini jonli ijro etish bilan boshlanadi.

(O'qituvchi "Muzyorlar" metodidan foydalanib, tanishuv mashg'ulotini o'tkazadi (5 daqiqa).

**O'qituvchi:**

— Aziz o'quvchilar, darsimizni tanishuv mashg'uloti bilan boshlaymiz. Har kim oldin o'z ismini, so'ng ismining bosh harfiga mos fazilatini aytilishi kerak. Masalan: Abdulla — a'lochli, Nasiba — nazokatli, Ulug'bek — uddaburon va h.k.

**Faollashtiruvchi savol va topshiriqlar (6 daqiqa):**

- "Mustaqillik" so'zining ma'nosi nima?
- Mustaqillikka qanday qachon erishdik? Bu kunni hozir qanday nishonlaymiz?
- Mustaqillik sharofati bilan yurtimizda qanday o'zgarishlar ro'y berdi? (Bu savolga javob berishda plakatlardan foydalaniladi).
- "Mustaqillikni mustahkamlash" deganda nimani tushunasiz? Buning uchun siz qanday ishlarini amalga oshirishingiz kerak?

**O'qituvchi:**—O'zbekiston mustaqilligining qo'lga kiritilishi tasodifiy yoki favqulodda hodisa bo'lmay, buning idzilari uzoq o'tmishga borib taqaladi.

Milliy g'oyaning asosi bo'lmish — mustaqillik, ozodlik va taraqqiyot uchun kurash qadim davrlardayoq shakllanib, vaqt o'tishi bilan ildliz otib boravergan. Bosqinchilar milliy g'oyaning beqiyos kuch-qudratini anglab uni qo'porib tashlash uchun ayovsiz kurashdi, ko'z ko'rib, quloq eshitmagan jazolarni qo'ldadi. Lekin milliy g'oya o'zbek xalqining ongi va qalbiga shu darajada chuqur singib ketgan ediki, hech qanday dahshatli kuch uni yo'q qila olmad. Aksincha, bu g'oya vaqtli kelib xalq qalbidan vulqon kabi otilib chiqib, 1991-yilning 31-

avgustida O'zbekiston mustaqil va ozod yurtga aylandi. Demak, mazkur tarixiy voqea o'tmishdagi ko'p asrlik milliy ozodlik kurashlarining mantiqiy davomi sifatida namoyon bo'ldi.

Har bir guruhga matnlar tarqatildi.

Matnlar guruhda o'qib chiqilgandan so'ng boshqa guruh matnlari bir-biri bilan almashtiriladi va shu tariqa ucha matn ham guruhlar orasida o'rnanadi. O'qituvchi bilan matnlar mazmuni muhokama qilinadi (15 daqiqa).

**O'qituvchi:**—Aql-idrokli, farosatli, jasoratli, vatanparvar va mohir tashkilotchi hukmdor yuz yillarda bir dunyoga kelgan. Bunga ishonch hosil

**1-guruhga:**

"Boshimga, — deydi Amir Temur, — po'lat dubulg'a, egnimga do'rudiy sovut kiydim, belimga misr qilichini bog'lab, bahodirlirgu kurash taxtiga o'tirdim... Saltanat to'nini kiygach, tinchligu sog'lig'im ketdi, o'z to'shagimda rohatda uxlaym, huzur-halovatdan voz kechdim. O'n ikki yoshimdan turli diyorlarni kezdim, ranju mehnat tortdim. Har xil tadbirlar qo'llab, (g'anim) favj(polq qo'shini)larini sindirdim. Amirlar va sipohlarning isyonlarini ko'rdim, ulardan achchiq so'zlar eshitdim. Lekin sabr-bardosh bilan o'zimni eshitmagam va ko'rmaganga solib, ularni tinchitdim. Qilich ko'tarib, jang maydoniga o'tildim va shu tariqa dunyoda nom chiqardim".

**2-guruhga:**

"Avvalo, — deb yozadi Islom Karimov, — fuqarolarni ijtimoiy jihatdan himoyalash borasida aniq ishlar qilish lozim. Biz 1989-yilning iyulidan beri ta'minlab kelayotgan barqarorlik esa uning kafolatidir. O'shanda, 1989-yilda dahshatli davr edi. O'sha paytda biz qilgan birinchi ish shu bo'ldiki, odamlarga yer bera boshladik. Men janob Gorbachevning davlat kengashi majlisidagi so'zlarini eslayman... Unga tan berish kerak, gapirishni biladi, ammo boshlagan nutqini nima bilan tugatishini hamisha ham tushunib bo'lmaydi. Mana bunga qaranglar, degan edi u meni ko'rsatib, hozir uning boshi shuhratga chulg'anib turibdi, u yer bera boshladi, endi uni ilohiyashtirishadi... Biz qat'iy turib, tartib o'rnatdik — yerga muhtoj bo'lgan va, albatta, dehqonchilik qo'lidan keladigan, yerdan mo'l hosil ola biladigan har bir kishiga chorak gektar yer berdik".

Ko'rinib turibdiki, Islom Karimov markazning noroziligiga qaramay mustaqil iqtisodiy siyosatga qaratilgan dastlabki qadamni tashlagan.

Birinchiidan:	Ikkinchiidan:	Uchinchiidan:
Ma'naviy hayotimizda uyg'onish yuz berdi. Tariximizni tikladik. Ona tilimizni angladik. Ulug' bobolarimiz ruhini shod etdik. Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Fitrat, Usmon Nosir singari xalqimizning fidoyi farzandlari nomi, izzat-ikromi, hurmati o'z joyiga qo'yildi.	Siyosiy yo'lda burilish bo'ldi. Necha yillik orzu-umidlarimiz ro'yobga chiqdi. Mustaqillik deklaratsiyasi qabul qilindi. O'z taqdirimiz, farzandlarimiz kelajagini o'zimiz hal etish imkonini qo'lga kirtirdik. O'z yerimiz, boyliklarimizga egalik qila boshladik.	Iqtisodiy, ijtimoiy sohalarida burilish boshlandi. Korxonalar, xo'jaliklarga erkinlik berish, fermerlarni qo'llab-quvvatlash, shaxsiy tomorqa egalarga yordam ko'rsatish bo'yicha bir qancha ishlar amalga oshirildi. Xususiy mulk paydo bo'ldi. Xorijiy mamlakatlari bilan qo'shma korxonalar ko'paymoqda. Bank sistemasi bo'yicha jahon tajribalarini qo'llanilmoqda. Dunyo ishbilarmonlari uchun yurtimizda sharoit yaratildi.

Ismoil Somoniy 893-yildan butun Movarounnahrni o'z qo'lga birlashtirib, mustaqillik siyosatini yurgizadi. Bundan g'azablangan xalifa Mu'tazid Ismoil Somoniyga qarshi qo'shin jo'nataadi. 900-yilda bo'lgha jangda Ismoil Somoniy dushman qo'shinini tor-mor etib, Xurosonni ham egallab, mustaqillikni tiklaydi. Bunda xalqning qo'llab-quvvatlashi va qatnashishi muhim o'rinni egalladi. VIII asrning ikkinchi yarmida mamlakatning mudofaasiga katta ahamiyat berilgan edi. Xususan, Buxoro vohasi "Kampirik" nomli uzundan-uzun va bahaybat devor bilan o'rab olingandi. Bu nihoyatda katta va uzun devor Ismoil Somoniy vaqtida ta'mirlashni talab etgan. Bu haqda unga gapirilganda: "Mening o'zim Buxoro devoriman", — deb javob bergan. Bu bilan Ismoil Somoniy o'zining kuch-qudratini anglatib, devorsiz ham Buxoroni saqlashini bayon etgan. Haqiqatan ham, u aql-idrokli, mard va jasoratli davlat arbobi bo'lgan edi. Shuning uchun ham mamlakat mustaqilligini tiklashda hal qiluvchi o'rinni egalladi.

Mana, mustaqillikka erishganimizga ham 21 yil to'ldi. Shu davr mobaynida mamlakatimizda qanday ishlar amalga oshirildi, bu yillar zamirida nimalar yotibdi? (Sinf taxtasiga quyidagi jadval o'lindan ilib qo'yiladi. Jadvalda keltirilgan jumlar mazmuni o'quvchilar faolligini ta'minlagan holda izohlab beriladi (15 daqiqa).

(Dars davomida o'qituvchi "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" asari asosida "Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" turkumiga kiruvchi fanlardan tayyorlangan plakatlar to'plamidan foydalanishi mumkin).

Har bir o'zbekning qalbidagi "Biz kimimiz?" degan savolga ikkilanmasdan beradigan javobi bor. Bu javoblar raqam va dallilari bilan yanada ishonchlidir. Hozirgi kunda "xalq farovonligi", "Vatan ravnaqi" g'oyalarining ro'yobi sifatida qurilayotgan zamonaviy maktab, litsey, kollejar, keng va ravon yo'llar, shifoxona, oromgoh, zavodlar, hashamatli imoratlarni ko'rish mumkin.

**O'quvchilar ishtirokini baholash.**

**Uyga vazifa:** har bir o'quvchi mustaqillikka erishganimizdan so'ng o'z oilasida qo'lga kiritilgan yutuqlar to'g'risida ijodiy ish yozib kelishi topshiriladi (4 daqiqa).

**Respublika ta'lim markazining ijtimoiy, iqtisodiy bilim asoslari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'limi**

Бугунгидек овоз ва обод юрда фаровон турмуш кегириш қанчалар завқли. Аммо ана шу бахтга ўз-ўзидан эришилмаганини, унинг замирида қанчалар машаққат ва оғир синовли кунлар ётганини бир зумга унутмаслик лозим.

Собиқ тузумнинг сўнги йилларидаги қийинчиликлар, мураккабликлар ҳали ҳам эсимда. Одамлар умидсизликка учраган, эртанги кунига ишончсиз. Сунянай деса сунягудай куч йўқ эди. Дўконларда аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар етишмайди. Энг ачинарлиси, иқтисодий таназзулдан ҳам оғир оқибатли мақсадсизлик, гоёсизлик кишилар кайфиятида устувор эди. Бироқ имони бут, иродаси мустаҳкам, халққа содиқ, юрт тақдирига ўзини дахлдор сезган, ўз эътиқодида собит инсонлар бугунги кун учун, Ватан озодлиги ва ободлигини сақлаб

## **Kecha va bugun**

қич, эволюцион йўлига асосланди. Бу жараёнда Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун" амалга оширилди. Натижада мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди, оламшумул ютуқларга эришилди. Юртда тинчлик, фаровонлик ҳукмрон бўлди.

Баралла айтган бўлардимки, мана шу эришган ютуқларнинг ҳаммаси менинг тақдиримда ўз аксини намоён этади. Инчунун, ҳар бир одам ўз тақдир ҳақида ўйлаётган, гапирётган пайтда "мен" деган сўзнинг олдида "Ватан" деган сўзни қўшиб айтиши керак. Чунки у мана шу халқдан, жамиятдан, аждодлари хотираси ва тарихдан айро яшолмайди. Уларсиз ўзидан, ўзлигидан мосуво бўлади.

# **ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАНДА ХАЛҚ ФАРОВОН ЯШАЙДИ**

қолиш учун мардонавор курашдилар. Мустақилликнинг илк йилларини эслаб кўрайлик-а, ҳали бутун дунё келажагимизга ишонқирамай қараб турган бир пайтда, республикаимиз Президентини Исмоил Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган маърузасида мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг зарур объектив шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда яратилган тараққиётнинг ўзбек модели ҳақида ишонч билан гапирди. Бу эса мамлакатимизда барча соҳаларнинг ривожланиши ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин топиш йўлида мустаҳкам дастуриламал бўлди.

Дарҳақиқат, юртимизда халқимиз руҳияти, турмуш тарзи ва айналарига мос ислохотлар йўли танланди. Бу йўл, биринчидан, иқтисоднинг сисъатдан устуворлиги, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафқураддан холи бўлиши, иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг изчил ташаббусларига айланиши, учинчидан, қонунчилик ва ҳуқуқ устуворлигининг таъминланиши, тўртинчидан, фуқароларнинг, айниқса, давлат ва жамият мададида муҳтож кишиларнинг мафқуралари ҳимоя қилиниши, бешинчидан, бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-бос-

Юртбошимиз шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюсида баҳор фаслида, ёз фаслида юртимизнинг мусаффо, тиниқ ва беғубор осмонига қараб, роҳат қилишларини айтганди. «Мусаффо осмон» деган иборанинг ўзида жуда катта маъно бор. Одам бошига мусибат тушса ёки қандайдир қийинчиликка дуч келса, шу кенг, ёруғ осмон ҳам гўё қоронғудек туюлади. Ўз қилаётган ишингдан мамнунликни ҳис этсанг, фарзандларингнинг эмин-эркин, тўқ-фаровон шароитда ўлғайиб келаётганини кўрсанг, кўнглинг ҳам, юзинг ҳам ёришиб, худога шукрона қилсан, киши.

Айтмоқчиманки, бугун бизнинг бошимизда мана шундай мусаффо осмон бор. Бундай тинч, ҳар бир кунни осойишта меҳнат билан ўтаётган ҳаёт бизга Яратган томонидан бебаҳо неъмат қилиб берилган ва бунинг учун ҳеққиз шукроналар айтаск арзийди. Ана шундай дорилмомон замонда яшаётганимиз, меҳнат қилаётганимиз ва ўнинг роҳатини кўраётганимиз Ватанга меҳримизни юксалтириши билан бирга, унинг учун фидойий бўлишимизни ҳам талаб қилишини унутмайлик.

**Шаекат ТўРАЕВ, Республика Миллий гоя ва мафқура илмий-амалий маркази раҳбари ўринбосари**

# **АРМ ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИКНИ ТАРҒИБ ЭТМОҚДА**

**Бойсун тумани Тузбозор маҳалласидаги 2-мактабнинг бир қанотида жойлашган АРМ 13 минг аҳолига хизмат кўрсатапти.**

Туман АРМ раҳбари — гайратли, ҳушмуомала йигит Комилжон Шойимов «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази раҳбари» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлган. Раҳбар бизни бир-бирдан ораста ва шинам хоналарга бошлади.

**Ўқув зали мудираси Гулнора Сафарова:**

— 829 нафар абонентимиз бор. Ўқувчи, ишчи, ўқитувчилардан ташқари уй бекалари кўпчиликни ташкил қилади. Оилавий китобхонларимиз ҳам кўп. Фахрий педагог Фатхулло Намозов энг кўп китоб ўқийдиган муҳлисимиз.

Яхши безатилган, барча қулайликлар мавжуд хонада китоб ўқиб ўтирган болаларни суҳбатга чорладик.

— Дарсдан сўн бўш вақтларимни шу ерда ўтказаман, — дейди 2-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муниса Умбарова. — Марказда қизиқарли китоблар кўп. Ходимлар ҳам ҳушмуомала, қайси адабиётларни кўпроқ ўқишимиз ҳақида маслаҳат беришади. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб», «Сарик девнинг ўлими», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Хумоюн ва Акбар» романлари менда катта таассурот қолдирди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф китобларини ўқиб, шеърларини ёд олдим.

Сал орқароқда ўтирган қизчининг кўзлари чарақлади. Бундан сездимки, унинг ҳам бизга айтар гаплари бор.

— Исми Махбуба. Коллежда ўқийман. Бадийий мутолаа билан бирга компьютерда ишлашни ҳам ўрганаёпман. Матн ёзишни, слайд тузишни, электрон китобдан фойдаланишни билиб олдим. Ўқиганларим, изланишларим зое кетмади. «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичида 3-ўринни эгалладим, — деди у фахр билан. — Ўзим ҳам шеър машқ қилиб тураман. Ижод намуналарим матбуотда чоп этилган.

Ахборот-ресурс марказида китобхонларнинг шоир ва ёзувчилар билан учрашувлари ўтказилиб турилади. «Кичиктингайлар зали», «Методика» хонаси,

захира фонди хоналарида саранжом-саришталик ҳукмрон. Фахрий ёрлик ва дипломлар аҳил жамоанинг ютуқларини исботлаб турибди. «Энг яхши АРМ мутахассиси» республика кўрик-танлови ғолиби Меҳринисо Маматқулова, «Йилнинг энг яхши АРМ услубчиси» танловининг вилоят босқичи ғолиби Солила Пошшаева жамоанинг фахрига айланган.

Марказда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида махсус режа тузилган. Оилавий китобхонликка эътибор катта. Аъзолар сонини йил бошида 193 нафарни ташкил қилган бўлса, иккинчи чорақда 235 нафарга етган.

Ўқувчиларнинг таътил вақтини мазмунли ўтказишда кутубхоналарнинг роли катта. Буни англаган марказ ходимлари болаларни АРМга кўпроқ жалб қилиш устида астойдил жон куйдиришмоқда. Мактабдан майдончаларида, оромгоҳларда кўчма кутубхоналар ташкил этилаёпти.

Ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишмоқда. Баддий адабиётлар, мультимедиа, мультфильм, слайд ва видеороликлар болаларни кўпроқ қизиқтиради. АРМнинг инновацион тадқиқотлар сектори мудираси Ҳабиба Акбарова, тармоқ маъмури С.Зиёдуллаева оромгоҳларда ташкил этган «Эртақлар оламини саёҳат», «Ўқинг, янги адабиётлар» кўргазмалари, Мустақилликнинг 21 йиллигига бағишланган китоблар тақдироти, «Мустақил Ўзбекистон», «Мустақиллик майдони» мультимедиа ва видеороликлар намоиши кўпчиликда қизиқтириш ўғотди.

Марказ аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, тумандаги кутубхоналар, АРМлар учун таянч маънаса ҳам ҳисобланади. Ҳар ой ўтказилган семинарда кутубхоначиларга соҳа ангилликлари етказилиб, услубий ёрдам кўрсатилади.

... Бойсундан қайтарканмиз, нега бу юртдан истездоқлар кўп чиққан, деган саволимизга маълум маънода жавоб олгандек бўлди. Ижодкорлар юртидаги ушбу ахборот-ресурс маркази шун тажрибасини Сурхон воҳисининг бошқа зиё масканлари ўрганса арзийди.

**Норқувват ТўРАЕВ, «Ma'rifat» мухбири**

## **Ўқувчи қизиқиши бирламчи**

Марҳамат туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида уч йўналишда 13 тўғарак фаолият юритмоқда. Ўтган ўқув йили таъмирланган масканда 356 нафар ўқувчи ўз қизиқишлари бўйича машғулотларга қатнашди. Тўғарак аъзоларининг 209 нафари ўзбек, 135 нафари қирғиз ва 12 нафари тожик миллатига мансуб болалардир.

Марказда болаларга нафақат касб-ҳунар сирлари ўргатилади, балки ҳаётий сабоқлар ҳам берилди. Тўғарак раҳбарлари ўқувчиларнинг ўз қобилияти ва иқтидорига мос касб-ҳунарни танлаши бирламчи роль ўйнашини таъкидлайдилар. 2011-2012 ўқув йилида 47 нафар кам таъминланган оила фарзандлари марказ тўғаракларига имтиёзли жалб қилинди. «Гулчилик» тўғараги раҳбари Рашидхон Шокирова, «Ёш табиатшунослар» тўғараги раҳбари Рашидхон Шокирова, «Ёш пазанда» тўғараги раҳбари Зарингор Хамидова ўз машғулотларини янада жонли ва қизиқарли олиб бормоқда.

— Ёз фаслида тумандаги 3-, 31-, 47-ИДУМлар ва 42-умумтаълим мактаби қошидаги ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳам тўғаракларимиз фаолият кўрсатди, — дейди «Баркамол авлод» болалар маркази раҳбари Муборакхон Шукурова. — «Оила ва саломатлик», «Компьютер сабоқлари» ва «Ёш пазанда» тўғарагига қизиқувчилар кўп бўлди.

Марказда янги 2012-2013 ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизибди.

Марҳамат тумани

### **Maktabdan tashqari ta'lim**

Фаллаорол туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтмоқда. Масканда 19та тўғарак фаолияти йўлга қўйилган

даш рағбат нафақат Сарвинози, балки барча тўғарак аъзоларини руҳлантириб, янги марралар сари чорлаётди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзолари мунчоқлар ёрдамида матоларга турли манзараларни муҳрлашади. Уларнинг бирида қуёнча, ка-

даш рағбат нафақат Сарвинози, балки барча тўғарак аъзоларини руҳлантириб, янги марралар сари чорлаётди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзолари мунчоқлар ёрдамида матоларга турли манзараларни муҳрлашади. Уларнинг бирида қуёнча, ка-

даш рағбат нафақат Сарвинози, балки барча тўғарак аъзоларини руҳлантириб, янги марралар сари чорлаётди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзолари мунчоқлар ёрдамида матоларга турли манзараларни муҳрлашади. Уларнинг бирида қуёнча, ка-

даш рағбат нафақат Сарвинози, балки барча тўғарак аъзоларини руҳлантириб, янги марралар сари чорлаётди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзолари мунчоқлар ёрдамида матоларга турли манзараларни муҳрлашади. Уларнинг бирида қуёнча, ка-

даш рағбат нафақат Сарвинози, балки барча тўғарак аъзоларини руҳлантириб, янги марралар сари чорлаётди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзолари мунчоқлар ёрдамида матоларга турли манзараларни муҳрлашади. Уларнинг бирида қуёнча, ка-

даш рағбат нафақат Сарвинози, балки барча тўғарак аъзоларини руҳлантириб, янги марралар сари чорлаётди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзолари мунчоқлар ёрдамида матоларга турли манзараларни муҳрлашади. Уларнинг бирида қуёнча, ка-

Бойматова шу йил Қорақалпоғистонда ўтказилган «Асрлар садоси» фестивалида фольклор йўналиши бўйича иштирок этди.

— Тўғаракларимизда 470 нафар ўқувчи ўз қизиққан йўналиши бўйича маҳоратини ошириб бормоқда, — дейди «Баркамол авлод» бола-

лар маркази раҳбари Ботир Шодмонқулов. — Уларнинг 310 нафари қизлар бўлиб, тўғаракларда илк касбий кўникмалари шаклланиши билан бирга, мустақил ҳаётга тайёргарлик боришади. Марказда машғулот ўтказиш учун барча шароитлар етарли. Ўқувчилар таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиб, ўқув йилини янги куч-ғайрат билан қарши оладилар.

**Абдусаттор СОДИҚОВ, «Ma'rifat» мухбири**

## **ИЛК КАСБИЙ КЎНИКМА**

### **тўғаракларда шаклланади**

бўлиб, ўқувчилар ўзлари севган машғулотлар билан банд. «Ёш мусаввирлар» тўғарагида болалар нисбатан кўпроқ, Сарвиноз Ориқулова уч йилдан бери тўғаракка қатнайдди. Унинг гуша ёрдамида чизаётган суратларида асосан қишлоқ табиати ва тоғ манзаралари акс этади. Ёш расм «Ер кўрасида тинчлик» республика кўрик-танловида иштирок этиб, «Энг мухир мусаввир» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Бун-

булар тасвирланган бўлса, яна бирида тоғ манзараси акс этиб турибди. Мустақиллик майдонидаги парвозга шайланган лайлақларнинг тасвири ҳам муҳорона ишланган. Сўнгги пайтларда фольклор тўғараги анча жонланган. Ўқувчилар «Келахак овози-2012» кўрик-танловида анъанавий ва амалий санъат йўналишининг рақс ва фольклор тури бўйича совринли ўринларни қўлга киритди. Тўғарак раҳбари Шаҳноза

лар маркази раҳбари Ботир Шодмонқулов. — Уларнинг 310 нафари қизлар бўлиб, тўғаракларда илк касбий кўникмалари шаклланиши билан бирга, мустақил ҳаётга тайёргарлик боришади. Марказда машғулот ўтказиш учун барча шароитлар етарли. Ўқувчилар таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиб, ўқув йилини янги куч-ғайрат билан қарши оладилар.

## СУЯК ЎЙМАКОРЛИГИ

Халқ амалии санъатида суюк ўймакорлиги алоҳида ўрин тутди. Санъатнинг бу тури Шарқ мамлакатларида қадимдан юксак даражада ривожланган. Юртимизга суюк ўймакорлиги ўтган асрнинг 60-йилларида кириб кела бошлади.

Суюк ўймакорлигида парма, аррача, эгов ва мураккаб механик асбоблар ишлатилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ортиқали Файзуллаев ана шундай ускуналар билан ажойиб асарлар яради. Унинг тиб келмоқда. Унинг қўлида сайқал топган «Чўпон», «Лазги ўйини», «Яккама-якка», «Курант», «Навоий ҳайкали» асарлари инсон ақлу заковатининг нималарга қодирлигини яна бир қарра исботлайди.

Ортиқали Файзуллаевнинг нозик диди, қалб кўри, сабр ва матонати туфайли майдонга келган санъат дурдоналари маданият кошоналари ва истироҳат масканлари ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Санъаткор яратган асарлар фақат мамлакатимиз музейларида эмас, балки чет элдаги халқаро кўргазмаларда ҳам намойиш қилинган. Ижодкорнинг асарлари 100га яқин кўргазмада эътироф этилган.

Гулрух АМИРОВА,  
Фазилат ТУРҒУНОВА,  
Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида истиқомат қиладиган Завқи Ҳазратқулов хонадонига табиий газдан эътиборсизлик билан фойдаланиш натижасида ёнгин содир бўлди. Саросимага тушган уй эгаси дарҳол ёнгин хавфсизлиги идорасига хабар берди.

## ХАЛОСКОРЛАР БОР БЎЛСИН!

Қисқа лаҳзада хонадан хонага ўтган оловни ўт ўчирувчилар бир зумда бартараф этишди. Яхшиямки, оила аъзолари уйда йўқ эди.

Халоскорлар омон бўлсин!

Улуғбек ВАФОВЕВ,  
милиция капитани

Toshkent shahri  
Matbuotchilar  
ko'chasi 32-uy.  
«Ma'rifat» gazetasi  
tahririyatiga

«Ma'rifat» ga  
maktublar

E-mail:  
info@marifat.uz

## ОИЛА — ҲАЁТ ҚЎРҒОНИ

1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинган, «Оила» илмий-амалий маркази ва унинг вилоят бўлимлари очилиб, зиммасига катта вазифа юклатилган. «Оила» марказининг Хоразм вилояти бўлими томонидан олиб борилаётган фарзандлар тарбияси, оилалар мустақамлигини таъминлашга оид мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари аҳолида қизиқиш уйғотмоқда. Бу йилги «2012 йил — Мустақкам оила йилида» зиёлилар халқнинг орасида юриб, оила мустақамлиги омиллари, фарзандлар баркамоллигини таъминлаш юзасидан қўллаб-қувватлашга эга бўлган тадбирлар ташкил этишяпти. Тиниб-тинчимас, оила устунини нозик елкаларида моҳирона ушлаб турган аёлларимизнинг оилавий бизнеслари ривожланаётганидан барчамиз қувонамиз. Хоразм воҳасида гиламчилик ривожини опа-сингилларимиз иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллий ҳокимият вакиллари уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлмоқда.

Зухраҳон РЎЗМЕТОВА,  
Халқ таълими аълочиси,  
олий тоифали педагог

## ЭРИНЧОҚЛИК ОҚИБАТИ

Кўнларнинг бирида раҳматли қайнонам Тожинисо ая беш овсинга «Бирингиз хамир қоринг, иккинчигиз мол-холларга қаранг, сиз ховлиларни тозаланг», дея меҳмондорчиликка жўнади. Газ баллонларидан фақат чой қайнатишда фойдаланардик. Ёшлик қилибми ёки эринчочликданми, қайсидир овсинимиз сутни электр сув қайнатгичда ҳам пиширса бўлади, деб қолди. Эл ёқдига — уш ёқди бўлиб, катта челака солинган сутга сув қайнатгични тиқиб қўйдик. Учоққа ўтин қаламайдиган бўлдиқ, вақтдан ютаемиз. Узимизча, хурсандимиз. Бир пайт ўткир куйинди хиддан челақдаги сут эсимизга тушиб қолди. Овсинлар бу таклифни билдирган шеригимизга маъноли қараймиз... «Айбдор»нинг боши ҳам.

Охири чорасини топдик. Катта онамга кўнғироқ қилиб, унга бўлган воқеани рўй-рост айтдик. Кўпни кўрган қария эмасми, кат-

та онам «Ҳа, болам, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг илоҳи бор. Оқ нарсани оқар сувга оқизиб бўлмайди, увол бўлиши билан бирга, сигирнинг сутидан барака қочади. Сутга қориб, нон пишира қолинглар. Бироқ хамирга кичкина стакада қора седанадан солиб юборинглар, куйган хидни олади. Нон ҳам тотли, ҳам қувватли бўлади», дея маслаҳат берди.

Кун кеч бўлди, ҳеч нарсдан беҳабар қайнонам кириб қолди. Жимжитлик. «Ҳа, келинжонлар, қийналмасдан нонларни ёпиб олдиларингизми?» деб илмоқли гап қилди. «Сайраб» кетдик. Нонда куйган сутнинг хидидан асар ҳам йўқ эди.

Кўп йиллар ўтди, ҳар гал сут пиширсам, ўша кулгили воқеа эсимга тушади.

Қумрихон СУЛТОНОВА,  
Республика таълим маркази методисти

Бугун кун ёришмасдан туриб, кетмонни елкалаб далага йўл олдим. Далада пахталар ҳали очилмаган бўлсада, кўчатлар тагини юмшатиш ниятидаман.

— Ҳа, Курбонназар, мактабда ишлар тугаб, далага йўл олдингизми?

Ҳаёл суриб кетаётган

Халқнинг ризқ-насибаси сочилган майдон. Меҳнат қилган инсон ўз бахтини ана шу далалардан топади. Ҳаёлан дала билан сирлашар эканман, фермер акамиз ҳам келиб қолди.

— Ҳа, устоз, ёрдамгами?  
— Бир қўлимизнинг чигилини ёзайлик.

## Qissadan hissa

тим эвазига анча кўчанинг таги юмшабди. Ғўза ниҳоллари бунинг учун менга миннатдор бўлгандек, енгил шабадада бир текис тебранди.

Ана, бобо кўёш ўз ётоғи-

## ФАЙЗЛИ ЎТГАН БИР КУНИМ

эканман, кўшнимиз Маҳмуд аканинг овозидан хушёр тордим.

— Ака, таътил бошланди, далага бориб, бир чалғиб келай.

— Майли-ку, намунча каллайди сахарлаб? — дея киноя қилди Маҳмуд ака.

— Эрта турганнинг ризқи баланд бўлади!

— Сизга гап топиб бўлмайди!  
Тинч ва осуда дала.

— Яшанг, сиз каби устозлар далага чиқиб тер тўкса, қандай яхши!

Сухбат қизигида эгатларга ўтдик. Кетмон билан ишга шўнғидик. Буни қарангки, ҳаш-паш дегунча анча жойни эглаб ташлабман. Бу орада биз танинган ва танимаган кишилар кўпайиб кетган экан. Қаддимни ростлаб, пешонамдан оққан терни артар эканман, ортимга назар солдим. Бир кунлик меҳна-

га бош қўймоқда. Фермер акамизнинг эгат бошидан мени чорлаши иш ниҳоясига етганидан далолат. Яна хаёллар оғушида даладан уй томон одимлайман. Инсон хоҳласа, ҳар бир кунни файзли ўтаркан.

Қурбонназар БОТИРОВ,  
Янгийўл туманидаги  
15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ёш авлодга таълим бериш жараёнида педагогик одобни тўғри намойиш этиш, ўқувчиларга намуна бўлиш орқали таъбир ўтказиш бош мезон ҳисобланади. Педагогнинг болани севиши инсон феномени тушунчасини англаши билан боғлиқ. Шахс психологиясини англаш, унга олий мавжудот сифатида қараш, келажак ҳақида қайғуриш инсонпарварлик ёндашуви-

## Ta'kid

айнан шу масалага қандай муносабатда эканликларини билиш учун сўровнома ўтказдик. Жавоблар турлича бўлди. Кўплаб ўқитувчилар олий ўқув юртларида ўзлаштирган назарий билимларини ҳаётга старли боғлаб олмасликларини кўрдик. Бунинг сабаби нимада?

Педагогика олий ўқув юртларида «Педагогик маҳорат» фани мазмунига

## ПЕДАГОГНИНГ ҚИЁФАСИ

нинг асосини ташкил этади. Улуғ алломаларимиздан Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари демишларки:

Кўр чоҳ сари йўл олсаки гоҳ,  
Уш оғоҳ эмаслик бу — улуғ гуноҳ.

Демак, педагог кадрлар одамларни тўғри йўлга бошловчи бўлиши керак. Бунда уларнинг муомала одоби бирламчи рол ўйнашини унутиб бўлмайди. Бир гуруҳ педагогларнинг

синдирилган муомала маданияти мавзуси ўтиляётганда, асосан, бола шахсига тўғри муносабат, қўллаб-қувватлаш, ишонини каби сўзлар билан чекланилади. Ваҳоланки, «муомала маданияти» жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, педагогиканинг яхлит бир йўналиши ҳисобланади. Бунда илмий нуқтан назардаги тушунчалар ҳам инobatта олинishi керак.

Б.ҚАЮМОВ,  
Тошкент вилоят давлат педагогика институти доценти

## БИРНИ КЎРИБ ШУҚР ҚИЛДИМ, БИРНИ КЎРИБ ФИҚР

Бозордан чиқиб, автобусга миндим. Бўш жойга чўқдим. Улов анчагача кўзгалмади. Юра бошлаган ҳам эдики, «синглим» деган овоздан сергак тортиб, ўғиррилиб орқамга қарадим. Юпунгина кийинган аёл қўлида нимжон боласи билан мендан нажот истагандек қараб турарди. Ҳаменимдан пул олиб узатсам, кескин бош чайқайди: «Мен тиланчи эмасман. Турмуш ўртоғим қийналапти. Агар малол келмаса, жой берсангиз!».

Нариоқда турган эрига эътибор бермаган эканман. У қора кўзойнак тақиб олган, кўзи оғиз бўлса керак. «Бемалол» деганча жой бўшатдим. Йўл бўйи уларни кузатиб кетдим. Эр-хотиннинг бир-бирига хурмати шу даражада эдики, жуда ҳавас қилдим. Шунда беихтиёр кеча ўзим

гувоҳи бўлган воқеа кўз олдимда гавдаланди.

Кечки пайт нон олиш учун дўконга кетаётган эдим. Баланд қаватли турар жойлардан бирида бақриқ-чақриқ эшитилди! Бироздан сўнг зинадан юғриб чиқаётган ўрта ёшлардаги хотинни эри сочларидан тортанча судраб олиб кириб кетди. Воқеани кузатиб турган қўшни кампир «Қилиғига яраша» деб қўйди. «Қачон қараса, кўчада гап сотгани сотан. Уй-рўзғор ишларини эгловлаётган бўлса керак-да!» деб унинг гапини маъқулади бошқаси.

Икки ҳолат — икки манзара. Биринчисида ўзаро ҳурматни кўрдим. Иккинчиси эса эр-хотиннинг орасида жанжал ўз-ўзидан рўй бермайди, деган хулосани беради.

Дурдона МУХТОРОВА,  
талаба

Дунё аҳолисининг етти миллиардан ортиши, одамларнинг оммавий равишда шаҳарларга интилиши, озик-овқат танқислиги, нефть нархининг ошиши, денгиз сатҳининг кўтарилиши сабаб сув тошқинларининг кўпайиши эҳтимоли юқорилиги — буларнинг барчаси XXI асрга келиб муҳандису архитекторларни янги-янги ғояларга, келажакда одамлар учун ноодатий турар жойларни яратишга ундамоқда. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, агар ўтган асрда дунё океанининг сатҳи атиги 10 сантиметрга ошган бўлса, асримиз охирига келиб мазкур кўрсаткич 50 сантиметрга етиши башорат қилинмоқда.

Сайёрамизнинг умргузаронлик қилишга қулай бўлган ҳар бир қарич ери ўз эгасини топиб бўлган бугунги кунда ушбу мақсадни амалга ошириш учун инсонларга денгиз ва океанлар сатҳига «кўчишдан» бошқа йўл қолмаган, дейишмоқда дунё олимлари. Хусусан, дунё аҳолисининг кўплиги, глобал иситиш ва экологик муаммолар япониялик олимларни ўзига хос сузувчи шаҳарларни яратишга ундаб, улар томонидан яратилажак бундай дастлабки қароргоҳ 2025 йили сувга туширилар экан.

Янги сузувчи шаҳарлар лойиҳаларининг энг асосий фарқи шундаки, бундай сунъий оролчалар экватор бўйлаб сузиб юради. Бу борада амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишларни фақат Японияда эмас, балки дунёнинг турли бурчакларида кузатиш мумкин.

Япониянинг «Шимизу» («Shimizu») коорпорацияси таклиф этаётган оламшумул «Яшил сол» лойиҳасида автоном орол-шаҳарларни барпо этиш ғояси илгари сурилган. Мутахассисларнинг фикрича, экватор атрофидаги ҳудуднинг танлиниши бежиз эмас. Улкан нилуфар гулларини эслатувчи мазкур сунъий орол мажмуалари барпо этиладиган ҳудудда Тинч океанидаги тайфунлар фаоллиги кузатилмайди ва серкўшлиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир сузувчи орол диаметри 3 километр ва 10—50 минг аҳолини бағрига сиғдирадиган кичик оролчалардан ташкил топади. Оролчалар 100 минг аҳолиси бор орол-шаҳарни, улар эса ўз навбатида 1 миллион одам яшайдиган сузувчи мамлакатни ҳосил қилиши мўлжалланмоқда.

«Яшил сол» концепцияси биринчи ўринда экологик тоза тураржойни яратиш ғояси асосида ишлаб чиқилган. Ороллар ихчамлигининг ўзиёқ карбонат ангидрид чиқарилишини 40 фоизга камайтириб, қўшимча термоизоляция, пухта ўйланган коммуникация тизими ва янги технологияларни жорий этиш ушбу кўрсаткич яна 30 фоизга оширишга ёрдам беради. Бу ерда қуёш, шамол каби энергиянинг табиий ресурслари ҳамда океанининг иссиқлик қуввати таъналади.

Яна бир тадқиқотчи, океан-ортилик олим Винсент Каллебот ўзи таклиф этаётган шаҳар-оролни сузувчи экополис, дея атамоқда. Улкан нилуфар-шаҳар глобал иситиш оқибатларидан азият чекадиган 50 минг одамга мўлжалланиб, қурилма

## КЕЛАЖАКНИНГ СУЗУВЧИ ШАҲАРЛАРИ



«Яшил сол»




«Пластик балиқ иншооти»

нинг баргига ўхшагани учун лойиҳа номи «Lilyrad» (нилуфар япроги) ҳам шундан олинган.

Америкалик тадқиқотчилар томонидан илгари сурилаётган яна бир лойиҳа бу «Денгизўпар иншоот» («Seascraper») бўлиб, у турбиналар ёрдамида чуқур сув қаъридан қувват олади. Ботик корпус ёмғир сувини йиғиш ва кундузги ёруғликни пастки палубаларга йўналтириш имконини беради. Ёмғир суви етарли бўлмаса, тузсизлантиргич (сувини эриган туздан тозаловчи) аппаратидан фойдаланилади. Таъкидланишича, иншоотнинг сувостидаги қисми коралл қояси вазифасини бажаради: денгиз қаъридан олинган озуқа моддалар билан балиқларни ўзига жалб этади.

га айлантиради. Иншоотнинг ташқи айланалари ва сувусти қисмида одамларнинг яшashi учун қулай шароит яратилади. Энергия кимёвий йўл билан пластик ёрдамида ҳосил қилинади.

Тинч океанидаги «улкан чиқиндилар доғи»ни бартараф этишга хизмат қиладиган яна бир сузувчи-шаҳар концепцияси Сербия олимлари томонидан таклиф этилмоқда. Айланма шаклдаги «Lady Landfill Skyscrapers» иншоотлари ҳам пластикдан барпо этилади. Чиқиндилар минора тубида йиғилиб, пастки қисмда қайта ишланади, сув устида эса бемалол инсонлар яшashi мумкин. Иншоотнинг сувда муаллақ туриши учун сузувчи пластик микдори мунтазам равишда ўзгариб, минорага сув тўлдирилади ёки чиқарилади. Ор-



«Яшил юлдуз»

аҳолини мамлакатда кўп содир бўладиган сув тошқинларидан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Голландияда ёмғирлар, океан ва денгизлар суви сатҳи кўтариладиган пайтда сув остида қоладиган 3500та паст текисликлар бор. Польшада номини олган мазкур ҳудудларни тошқинлардан сўнг насослар ёрдамида қуриштишга тўғри келади. Аслида сузувчи иншоотлар Голландияда янгилик бўлма-са-да, «Цитадель» польдадаги илк мустақкам аҳоли турар жойи бўлади. Иншоотнинг асосий қисми нисбатан баландроқ ҳудуд билан маҳсус йўлак орқали боғланади. Ўйиборлиси, «Цитадель» ва унинг яқинида барпо этилажак шу каби яна 5та иншоот оддий бинога нисбатан чорак қисмага кам энергия сарфлайди.

«Яшил юлдуз» («Greenstar») номли сузувчи меҳмонхона ва конференциялар маркази Мальдив оролларида 2014 йили очилиши режалаштирилган. Айтиш ўринлики, бу орол дунёдаги энг паст ҳудуд ҳисобланади, шу боис денгиз сатҳи кўтарилиб, биринчи ўринда мазкур давлат зарар кўради. Олдиндан тайёргарлик кўраётган Мальдив учун «Waterstudio.NL» мутахассислари 2 минг нафар конференция иштирокчиси ва 800 нафар одамни қулай меҳмонхонага жойлаштириш имкони бор сузувчи оролни яратмоқда.

Хўш, келажакда шаҳар ва ундаги ҳаёт қандай бўлади? Буни бугун айтиш биров мушкул. Лекин сув устки ҳудудларида иншоотлар қурилишини ривожлантириш борасида бугун дунё муҳандисларида янги-



«Лайнерлар учун терминал»



«Денгизўпар иншоот»



«Сув айналари»

титан диоксиди билан қопланган ўта мустақкам полиэфир тўқима материали ёрдамида яратилади. Тўқима, ўз навбатида, ультрабинафша (қуёш) нурлари таъсирида атмосферани ифлослантирувчи моддаларни парчалаш хусусиятига эга. Шунингдек, тахминан 50 минг квадрат метр майдонга эга бўладиган келажак экополисида қуёш батареялари, Ер биомассаси, шамол ва тўлқинлар энергияси, фитотозалаш йўлга қўйилади. Ташқи томондан сузувчи шаҳар нилуфар гули-

Кореялик муҳандисларнинг «Пластик балиқ иншооти» («Plastic Fish Tower») Калифорния ва Ҳавайи ороллари ўртасида йилиб кетган улкан Тинч океани чиқиндилари орасидаги пластик материалларни йиғишга мўлжалланган орол-шаҳар бўлади. Денгиз оқимлари миллионлаб тонна пластик ва бошқа турдаги чиқиндиларни бир жойга тўплади, янги-янги иншоот эса бир километр диаметри маҳсус тўр ёрдамида уларни йиғиб, қайта ишлайди ва зарур маҳсулотлар-

тиқча пластикдан эса энергия манбаи ҳосил қилинади.

Денгиз юзасида муаллақликни таъминловчи ҳалқа ва иншоотнинг шаффоф гумбази кўриниб туради. Одамлар сувошти минорасида яшайди, тепа қисмида пляж ва кемалар тўхташи учун жой ажратилади. Колаверса, меҳмонхоналар, турар жойлар, дайвинг маркази ва тамаддиҳоналар ҳам пастда бўлади.

«Сув айналари» («Water Circles») концепцияси замирида ишдан чиққан нефть плат-

Платформанинг 10 фоиз томи фотогальваник элементлар билан қопланади ва улар ёрдамида соф энергия ишлаб чиқилади.

Голланд муҳандислари томонидан қурилаётган ва 2014 йили ишга туширилиши кутилаётган «Цитадель» («Citadel») мамлакатнинг Вестленд шаҳаридаги 60 хонадонли мажмуаси бўлиб, Европада бундай турдаги илк иншоотга айланади, дея таъкидлайди «Waterstudio.NL» компанияси мутахассиси Кун Олтхёйс. У

янги ғояларнинг кўплиги эътирофга лойиқ. Тўғри, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта маблағ талаб этилади. Бироқ бу маблағ энг асосий мақсад — инсоният ҳаётини яхшилаш йўлида барпо этилажак экологик соф ва қулай турар жойларни яратиш йўлида сарфланар экан, у ўзини оқлаши ва янги шаҳар цивилизацияси яратилишига йўл очиши шубҳасиз.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,  
тайёрлади.

## СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШ САЛОҲИЯТНИ ОШИРАДИ

Ёшликдан тўғри ва сифатли овқатланишга одатланган болаларда интеллектуал салоҳият кўрсаткичи (IQ) юқори бўлиб, ақсинча фаст-фуд каби сифатсиз ва саломатлик учун зарарли таомларни афзал кўрганлар бу борада оқсайди. Австралиядаги Аделаида университети олимларининг кўпйиллик изланишлари яқинда шундай хулосага келинди. Мавзуга оид мақола «Европа эпидемиология наشري»да («European Journal of Epidemiology») chop этилди.

Мутахассислар 7 мингдан ортиқ болаларнинг 6, 15 ойлик ва 2 ёшли пайтидаги овқатланиш жараёни билан 8 ёшлигидаги интеллектуал салоҳияти ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга ҳаракат қилишди. Жараёнда уйда тайёрланадиган миллий ва замонавий таомлар, тайёр болалар овқати, она сuti ва сифатсиз овқат таққосланган.



Аниқланишича, 6 ойликкача она сuti, 15—24 ойлик пайтида дуқакли ўсимликлар, пишлоқ ва меваларни етарлича истеъмол қилган 8 ёшли болаларнинг салоҳияти бошқаларга нисбатан 2 балга юқори бўлиб чиққан. Ҳаётнинг илк йилларида мунтазам равишда ширинлик, шоколад, газли ичимлик ва чипс(қовурилган картошка) истеъмол қилганларда эса IQ кўрсаткичи 2 балга паст бўлган.

Шунингдек, салоҳиятга чақалоққа олти ойлигида берилган тайёр болалар овқати ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Гарчи салоҳият кўрсаткичи ўртасидаги фарқ кичик бўлса-да, боланинг 6—24 ойлик давридаги овқатланиш тартиби унинг 8 ёшлигидаги салоҳиятига таъсир кўрсатиши борасида аниқ далилларга эга бўлинди, дейишмоқда мутахассислар.

## ҚАДИМИЙ КЕМАДА ХАЗИНА БОРМИ?

Океаниядаги Тонга давлати соҳилларида қадимий кема қолдиқлари аниқланди. «Нью Зеланд Хералд» («The New Zealand Herald») газетасида баён этилишича, у 1806 йили чўкиб кетган британиялик денгиз қароқчиларининг «Порт-о-Пренс» кемаси экани тахмин қилинмоқда.



Кема маҳаллий дайвер(чўқур сув қаърига шўнғувчи)лар томонидан топилган. Таъкидланишича, кема қолдиқлари Хаано ороли яқинидаги қоя бўйлаб тарқалган. Тадқиқотчилар «Порт-о-Пренс» бортида кўплаб қадимий қимматбаҳо буюмлар, хусусан, мис, қумуш ва тилладан ясалган нарсалар борлиги ҳақида таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрларида асос борга ўхшайди. Гап шундаки, Франция кемасозлик компанияси томонидан қурилган ушбу кема XIX аср бошида британиялик қароқчилар кўлига тушгани тўғрисида тарихий далиллар бор. Перу соҳилларида сузиб, Испания кемаларига мунтазам ҳужум қилган ушбу кема икки йилдан сўнг китларни овлаш мақсадида Океанияга йўл олади. 1806 йили Тонга соҳилига етиб келган қароқчиларнинг 4 нафар экипаж аъзосидан ташқари ҳаммасини маҳаллий аҳоли пичоқдан ўтказди. Ортилган барча темир буюмлар олинмиб, қолган хазина кема билан чўқтириб юборилган экан.

Омон қолганлардан бири Виллям Маринер эса бир неча йилдан сўнг Буюк Британияга қайтишга муваффақ бўлади. У ушбу ҳодиса ҳамда тонгаликлар ҳаёти ва давлати ҳақида китоб ёзади. Мазкур асар ҳалигача христианлик дини кириб боргунга қадар бўлган даврдаги Тонга ҳаёти ҳақида сўзловчи ягона китоб бўлиб қолмоқда.

Айни кунда қадимий кемани аниқлаган тадқиқотчилар қолдиқларни ҳам белгилаб, топилмаларнинг барчасини расмийлаштириш ниятида. Бироқ буни ноябрь ёки декабрдан олдин амалга оширишнинг иложи йўқ, чунки ҳозир денгиз тадқиқот олиб бориш учун қулай соқинликда эмас экан.

## ЁҒСИЗИ ЯХШИМИ, ЁҒЛИСИ?

Океанортидаги Фред Хатчинсон номидаги онкологик марказ илмий ҳодимлари ёғи олинмаган сут семириш ва бошқа касалликларни келтириб чиқармайди, дея таъкидлашмоқда. Аниқроғи, ёғлилик даражаси юқори бўлган сутни истеъмол қилиш вази ва организмдаги ёғларнинг концентратсияси ошишига сабаб бўлмайди, дейилади «MedikForum» манбасида. Бу дунё миқёсида ўтказилган 16та илмий тажрибадан келиб чиқилган хулоса.

Умумий қарашларга кўра, озиқ-овқат маҳсулотларининг ёғ билан тўйинганлиги вазн ортиши, иккинчи турдаги қанд касаллиги ва юрак хасталиқларига олиб келади. Лекин америкалик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ёғи олинган сутнинг табиийсидан ҳеч қандай устунлиги йўқ. Гарчи ёғсиз сут таҳлилида унинг таркибида табиийсидидаги каби инсон учун фойдали моддалар (минераллар, кальций ва оксиллар) борлиги маълум бўлса-да, ёғлар ҳам инсонга зарар келтирмаслиги мумкин экан.

Ўтказилган изланишларда ёғсиз сут маҳсулотларини истеъмол қилган оналарнинг болалари нисбатан кўпроқ касалланиши ҳам аниқ бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, айнан ёғсиз сут маҳсулотлари астма ва аллергия ринит каби хасталикларни кўзгайтиради.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



## ЖУМЛАДА ЯҲОН

Yong'lilik & Sabablar

Филиппиндаги тинимсиз ёмғирлар туфайли кузатиладиган сув тошқини оқибатида 15 миллион аҳолиси бор пойтахт Манила энг кўп зарар кўриб, мегаполисининг 80 фоизи сув остида қолиш хавфи юзага келган, баъзи жойларда сув 1,5 метр баландликкача етган, 70дан ортиқ инсон офат қурбони бўлган.

Ёз фасли тинч ўтаётган Европада бирдангина ноқулай об-ҳаво ўзгаришлари кузатилиб, — Польша ва Норвегияда қучли шамол, ёмғир ва бўрон минглаб одамларни электр таъминотисиз қолдирган, вайронгарчилик содир этган бўлса, Хорватия, Сербия, Руминия, Греция ва Италия аҳолиси ҳатто кечаси ҳам ўта иссиқ об-ҳаводан азият чекмоқда.

Молдавия ғарбида жойлашган Унген худудида Янги Морендан марказий қисмга қараб ҳаракатланаётган автобус техник носозлик ёки ҳайдовчининг эътиборсизлиги туфайли ағдарилиб кетиб, унинг ичидаги 30 нафардан ортиқ йўловчи жароҳатланган, 25 нафари шифохонага жойлаштирилган, 11 нафари эса ҳалок бўлган.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълум қилишича, дунё миқёсида сўнгги бир неча ой давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи пасайиб кетган бўлса, июлга келиб улар умумий миқдорда 6 фоизга ошган, жумладан, дон маҳсулотлари қимматлашиб, гўшт маҳсулотлари арзонлашган.

Хитой Халқ Республикаси шимоли-шарқидagi шиддатли ёмғирлар оқибатида мамлакатнинг бебаҳо тарихий мероси ва энг йирик архитектура ёдгорлиги — Буюк Хитой деворининг яши ҳолатда бўлмаган 36 метрлик қисми қулаб тушган, қолган қисмлари дарз кетгани боис иншоотни мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда.

АҚШнинг Пенсильвания штатида жойлашган «Roscoe Raceway» автодромида ташкил этилган автопойғалардан сўнг худудни тарқ этаётган томошабинлар чакмоқ зарби остида қолиб, 9 нафари турли даражада жароҳат олган, 1 нафари эса ҳаётдан кўз юмган.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси Мониторинг ва ички назорат бўлими услубчиси

Ҳолида АҲМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таззия билдиради.

«E and D Consulting Group» МЧЖ ўз фаолиятини давом эттираётганини маълум қилади. Шу сабабли «Ma'rifat» газетасининг 2012 йил 18 июль сонида chop этилган «E and D Consulting Group» МЧЖ фаолияти яқунланаётганлиги ҳақидаги эълон **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## реклама \* эълонлар \* реклама \* эълонлар \* реклама

Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун chop этиладиган дарсликлар бўйича ўтказилган танлов савдоларида голиб деб топилган иштирокчилар РЎЙХАТИ

Лот рақами	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Ғолиб наشريётлар рўйхати
1	Нутқ ўстириш	1	Ўзбек	1 116	«Чўлпон» НМИУ
2	Ёзув дафтари	1	Ўзбек	1 220	«Чўлпон» НМИУ
3	Математика иш дафтари	1	Ўзбек	1 204	«Чўлпон» НМИУ
4	Она тили	2	Ўзбек	1 136	«Чўлпон» НМИУ
5	Ўқиш китоби	2	Ўзбек	1 138	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
6	Природоведение	7	рус	423	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
7	Математика	1	Ўзбек	486	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
8	Математика иш дафтари	1	Ўзбек	486	«Чўлпон» НМИУ
9	Математика	2	Ўзбек	483	«Чўлпон» НМИУ

**Кўйлик маиший хизмат касб-хунар коллежига умумтаълим ва махсус фанлар бўйича малакали мутахассис-педагогларни ишга таклиф этамиз.**

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Кўйлик-5 массиви, Янги Кўйлик кўчаси, 50-уй.  
Телефонлар: 290-19-71, 776-27-72



Болалигимда отамнинг энг суйган машгулоти менга топишмоқ айтиш эди. Отамнинг топишмоқлари кўп. Ёз оқшомлари кўкка ёйилган юлдузлар остидаги боғчада ўтирганча отамнинг топишмоқларини топиш менга ҳам завқ бағишларди. У ҳар доимгилек кулгудан қисилган кўзлари ила менга тикилганча ўз топишмоқларини аниқ, содда қилиб айтарди. Мен эса, бошимни осмонга кўтариб, кўзларимни юлдуз тўла кўкка қадаб, киприкларимни пирпиратганча топишмоқ жавобини излашга тушардим. Жавоб қаерга яширинган? Кейин яна унинг кўзларига тикиламан. Назаримда отамнинг кулгудан қисилган бу кичик кўзлари ҳам мана шу қора тун сингари тубсиз ва сирли эди. Мен чуқур ўйга берилиб, токи бу кичик миямда нимадир чақнамагунча, отам нуқул жавобнинг учини чиқариб қўйгиси келарди. Кувончим ичимга сигмай, жавобни айтиб чакирганимда эса, у ҳам ичидан мамнун жилмайиб кўярди.

Бора-бора отамнинг топишмоқларини топиш менга унчалик малол келмай қўйди. Фақат биттагина топишмоқни мен ўйлаб-ўйлаб тополмаганман: кечқурун ёпилар жомадон, эрталаб очилар жомадон, жомадон ичида кўзгу бор, кўзгунинг ичида — қизалоқ. Ярим кун ўйлаб ўйимга етолмадим. Охири отамдан сўрадим: «Қандай қилиб кўзгунинг ичида қизалоқ бўлсин?». У эса, жилмайганча: «Ахир, яхшилаб эшит», деб кўзларини қаттиқ юмиб олиб, яна такрорлайди: «Кечқурун ёпилар жомадон...», кейин кўзларини катта-катта очиб дейди: «Эрталаб очилар жомадон...». Отам кўзларини менга яқинлаштириб тўхтаганча «Жомадон ичида кўзгу бор, сен бир синчиклаб қара, кўзгуда нозик қизалоқ борми-йўқми?», дейди. Мен топишмоқ жавобини топганимдан хурсанд бўлиб, овозим борича бақираман: «Ахир, бу — кўз! Бу — кўз!». У: «Тўғри, бу отамнинг кўзлари», дейди. Мен яна сўрайман: «Унда менинг кўзларимни нима деб аташ керак?». «Кечқурун ёпилар жомадон, эрталаб очилар жомадон, жомадон ичида кўзгу бор.

Кўзгуда кўринар... — отам барвақт оқарган бошини енгилгина сийпалаб: — Қари чол!», дейди. Мен бу топишмоқни билиб олиб ўз тенгдошларимни имтиҳон қилишга чиқаман. Охириги сўзини эса, ўзимча ўзгартириб оламан: «Кўзгунинг ичида кучукча!». Мен ҳам худди отам каби кўзларимни катта-катта очиб яқинлаштирганча, уларни мазах қилишга ўтаман.

Ҳар сафар лабларимни чўччайтириб, қошларимни уйиб олиб, нимадандир сиқилаётган афтимни кўрган отам яна бошлайди: «Ёпилар жомадон, очилар жомадон...». Кулгудан қисилган кўзларини очиб-юмиб,

ўша одамга нисбатан бир сўз бор эди: «Агар сен бўлмасанг, мен ҳам йўқдайман!». Отам тайёрлаган таомлардан ҳам маза қочди: зўрға томоғимдан ўтарди. Отам: «Ким хафа қилди бизнинг нозик қизалоқни», дейди. Шунда бирдан англайман. Хафа бўлиш ҳам ҳеч нарсага ярамаскан. Кўзёшларим шашқатор бўлиб томади. Отам эса, менинг устимдан кулади: «Юзта тор, мингта тор, тўкилиб тушиди ерга, ғойиб бўлди кўздан. Нозик қизалоқнинг кўзларидан ёмғир ёға бошлади-ку!». Дилимдаги дардан халос бўлишга ҳеч қандай чора йўқ эди. Мен юзимни тескари ўгириб ўзимни хонамга

ЛИУ Руи

# ОТАМНИНГ ТОПИШМОҚИ

## Ҳикоя

кейин сўрайди: «Кўзгунинг ичида нима бор?». Мен эса дамимни чиқармайман. У кетма-кет санай кетади: «Шоколад? Олмача? Кўғирчоқ? Ипак тасма? Гулли кўйлак? Кийикчаси бор қаламтарош?...». Улар орасида менинг кичик кўнглимни ўзига тортадиган, албатта, нимадир топиларди. Албатта, нимадир мени хурсанд қиларди. Отам истакларимни бирма-бир амалга оширганида мен ундан сўрайман: «Сиз қандай қилиб топасиз кўзгу ичида нима борлигини?». Отамнинг кўзлари шу қадар тубсиз ва сирли эдики, шу тобда у менга олам-олам кувонч ва хурсандчиликларни ушлатириб берадигандек эди.

Аmmo бир сафар отам топишмоқни топа олмади. Чунки мен катта бўлдим. Менинг юрагимда аста-секин кичик дарича очилиб, кўзлардаги акс ўша юракка кўчди. Уни қанчалик артмай, кеткиза олмасдим. Акс — «У» эса, бундан мутлақо бехабар эди. Шунда бирдан отамнинг менга бағишлаётган хурсандчилиги хира тортаётганини сездим. Менинг юрагимда фақат

отам. Отам ортимдан келиб, бошимни силаб, яна сўрайди: «Нима бўлди?». Мен ҳайқираман: «Ўлгим келаяпти!». У эса кулади: «Сен ёшгина бўла туриб, ўламан, дейсан, отанг шунча қартайган ҳолида яна юз йил яшагиси келаяпти-ю. Албатта, бирор нима борки, сен яхши кўрадиган, бўлмаса, отангга айтмасмидинг! Шундай эмасми? Кел, мен топа қолай». Отам бир неча нарсаларни санай кетади. Аммо улар орасида бирортасининг менга кераги йўқ. Ахир, мен отамга қандай айтаман кўзгу ичида битта «Қоровой» борлигини. Нима бўлганда ҳам, отам ўша юракни келтириб менинг кўлимга туқазиб қўёлмайди-ку? У яна излашга тушади, аммо, барибир, топа олмади. Шунда бирдан биз бир-биримиздан қанчалик узоқлашиб кетганимизни ҳис қиламан. Бундай қарасам, отамнинг кучи ва имконияти ҳам чегараланган экан. Шунда мен унга дейман: «Тополмадингиз! Амалга ҳам ошира олмайсиз! Энди фақат ўзимга суянмоғим қолди!». Ҳозиргина отамнинг кулгудан

### Asliyatdan tarjima

қисилаётган кўзларини бирдан қайғу босади.

Кунлардан бир куни мен унга уйдан кетаётганимни айтдим. Ўша одам билан уйимиздан анча олисларга кетишимни. Мен отамнинг ёлғиз фарзандиман. Отам қариб қолди. Аслида, мен унинг олдида бўлмоғим даркор. Менинг ҳам отамдан айрилишга кўзим қиймаяпти, аммо на илож! У эса, жимгина ўтирганча мени тинглади. Хира торган кўзларида ҳеч қандай ифода йўқ эди. Анча вақтдан кейин оғиз очди: «Биламан, бир кун келиб сен, албатта, кетишинг керак эди, қиз бола уйнинг меҳмони». Кетишимдан олдин яна деди: «Агар у сени хафа қилса, уйга қайт!».

Аmmo у менга жуда яхши муносабатда эди. Биз у билан шу қадар бахтли эдикки, гўё бу оламда фақат биз иккаламизгина бор эдик. Отамга хат ёзганимда ҳам доим бахтим ҳақида гапирардим. Бир сафар отамнинг туғилган куни эсимга тушиб унга қизлик муҳаббатимни билдириш учун, хатимда нима совға қилсам экан, деб сўрадим. У нарса нима бўлишидан қатъи назар, қизи қўлидан келганча рўёбга чиқаришини айтдим. Хатни почта қутисига ташлагач, бирдан хаёлимни бўлмағур ўй чулғайди: «Мабодо бирдан отам мендан қўёш билан ойни сўраб қолса-чи? Мен қандай қилиб унинг истагини бажо келтира оламан?!». Кейин ўзимнинг устимдан ўзим кулдим, нималар деяпман ўзи? Отам зинҳор бу нарсаларни мендан сўрамайди. Қани, ўзим бир ўйлаб кўрайчи, отамга ҳозир нима зарур экан?

Отамдан хат келди, шоша-пиша уни оча бошладим, у ерда фақат тўрт сатр бор эди:

*Кечқурун ёпилар жомадон,  
Эрталаб очилар жомадон,  
Жомадон ичида кўзгу бор,  
Кўзгунинг ичида қизалоқ.*

Бу отамнинг кўзлари эди, нега буни мен тополмадим-а?

Хитойчадан Фароғат ЖАББОРОВА таржимаси.

### ОСОҶ ҲҶЛ

Жуҳодан бир ди. Бундай қараса, дўсти қарздор экан. Ҳар вақт пулини қиस्ताб борганида қарздор қочиб кетар экан. Кунлардан бир кун Жуҳо жуда оч ҳолда нонвойхона олдида ўтиб кетаётган экан, димоғига иссиқ ноннинг ёқимли ҳиди урилиб

### Arab xalq latifalari

лик мени ҳолдан тойдириб, ўлим ёқасига олиб келди. Бир дўстим бир риёл пул қарздор, ўша пулдан бир қиршини олиб, шу нон эгасига бериб қўйсанг, сендан кўп миннатдор бўлардим, — дебди-да, шошилиб нонни еса бошлади.

рингники бўлса, турли қоғозларни гувоҳ олиб кел, — дебди.

Лекин улар гувоҳ топиб келолмадилар. Жуҳо бундай чигал ишни ечиш учун

### АЖОЙИБ ФИКР

олиб кетмоқчи бўлиб турганда уйғониб қолибди ва маҳкам ушлаб қози — Жуҳонинг олдида олиб борибди. Жуҳо уларга: — Тўн қайси би-

уёлаб турибди-да, хаёлига бир аjoyиб фикр келибди. Уларга тўннинг икки томонидан ушлашни буюриб, шу ҳолда узоқ қолдирибди. Ўзи эса тийёр тўнни қўйиб юборибди. Жуҳо ўғри шу эканини билиб, уни қамоққа ҳукм қилибди, тўнни эса эгасига бериб юборибди.

# НАВБАТДАГИ БРОНЗА МУБОРАК!




Эртага ўн олти кундан буён давом этаётган XXX ёзги олимпия ўйинлари якунига этади. Шу тариха яна бир улкан мусобақа тарих саҳифасидан жой олади. Унга кимлардир чемпион, кимлардир «иштирокнинг ўзи муҳим» деган ақидага амал қилган атлет сифатида киритилади. Эртага мамлакатларнинг кўлга киритган медаллари сони ва сифатига қараб, ортда қолган тўрт йилликнинг умумий сарҳисоби чиқарилади...

зарда ҳам мухлислар бир хил вазият гувоҳи бўлишди: «Яна Вадим, яна финал, яна тўртинчи ўрин...».

Енгил атлетиканинг найза улоқтириш мусобақасида ўз омадини синаб кўрган Иван Зайцев саралаш баҳсларидаёқ майдонни тарк этди. Яна бир умидли енгил атлетикачимиз, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова узунликка сакраш бўйича ташкил этилган саралаш баҳсида иштирок этиб, «А» гуруҳида ўз имкониятини синовдан ўтказди. Аёллар ўртасида кечган найза улоқтириш мусобақаларида Анастасия Свечникова жами 51,27 метр масофани забт этиб, гуруҳ аутсайдерлари сафидан жой олди. Олимпиада ўйинларининг кўпкураш баҳсларида Рифат Ортиқов қатнашиб, ўз омадини синаб кўрди.

Умидли енгил атлетикачимиз Светлана Радзивил аёллар ўртасида баландликка сакраш бўйича ўтган саралаш мусобақасида 1 метру 96 сантиметрлик баландликни забт этиб, 1-ўринда финал босқичига йўлланма олди. Бугун олимпия ўйинлари медаллари учун ўтказиладиган ҳал қилувчи беллашувларда Светлана 11 нафар рақибасига қарши майдонга чиқа-



ди. Мураккаб мусобақада юртдошимизга омад тилаймиз.

Бугун Лондон олимпиадасининг энг кўп — 32та медаллар жамғармаси ғолиб

ва совриндорларга топширилади. Жуда сермахсул кун. Эртага эса энг сўнгги медаллар мажмуи (15та) учун мусобақалар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган дзюдочиларимиз жамоаси бронза медали билан кифоялангач, олтин ва кумуш медаллар чарм кўлқоп соҳиблари саъй-ҳаракати эвазига умумгазнамига қўшилиши тахмин қилинаётганда. Бугун бу имконият фақат икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоевдагина сақланиб қолгани тахмин қилинаётганда.

У мурасасиз кечган ярим финал муштлашувида япониялик Рёта Муратага қарши рингга чиқди. Шиддатли қарама-қаршиликда ҳамюртимизга бироз омад етишмади. Якуний ҳисоб — 13:12. Шу тариха Аббос Атоев мамлакатимиз спорт делегациясига навбатдаги бронза медални тақдим этди!

Терма жамоа байроқдори, 81 килограмм вазн тоифасидаги боксчимиз Элшод Расуловнинг ярим финал оstonасидан ўтолмагани кўпчиликни хайрон қолдирди. Рос-

сиялик Игорь Мехонцев ҳамюртимизни 19:15 ҳисобидан енгди ва Элшод Олимпиада билан хайрлашди.

Шунингдек, 52 ва 64 килограмм вазн тоифаларида чорак финал йўлланмаларини кўлга киритган иқтидорли боксчиларимиз Жасурбек Латипов ва Ҳўтамжон Раҳмонов ҳам рақибларидан камроқ балл тўплашга «муваффақ бўлишди». Жасур мўғулистонлик Тугстог Нямбаева 10:15 ҳисобида ютқазиб кўйган бўлса, Ҳўтам Ронизэл Иглесиасга 15:21 ҳисобида имкониятни бой берди.

1000 метрга каноэда эшак эшиш бўйича тенгсиз спортчимиз Вадим Меньков учун Пекин олимпиадаси гўё қайтадан ўтказилди. Чунки тўрт йил олдин Хитой пойтахтида кечган олимпиадада у қайси «сценарий» бўйича медаллардан қуруқ қолган бўлса, Лондондаги кимў-

Кеча олимпиада мусобақаларида 6 нафар ўзбекистонлик спортчи қатнашди. Каноэда эшак эшиш бўйича Вадим Меньков 200 метрга, байдаркачи Юлия Борзова ҳам аёллар ўртасида айнан 200 метрга ўз омадини синаб кўрди.

Бадий гимнастика бўйича Ульяна Трофимова 3-ранундаги иштирокини давом эттирди.

Эркин кураш бўйича 55 килограмм вазн тоифасида Дилшод Мансуров нимчорак финалда Шимолий корейлик Янг Кёнг Илга қарши курашган ва енгилган бўлса, 74 килограмм вазн тоифасида Сослан Тигиев грециялик Олег Мотцалинини енгди. Ярим финал йўлланмаси учун ўтган баҳсда эса эронлик Сайид Гуадарзига ютқазди. Бронза медал учун кечган курашда Сослан Тигиев болгариялик Кирилл Терзиевга қарши курашди...

Зоҳиджон ХОЛОВ

# ЮГУРИНГ, СОҒЛОМ БЎЛАСИЗ!

Ёши 40дан ошган аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун Окқўрғон туманида бошланган ташаббус кўллаб-қувватлашга арзийдиган саъй-ҳаракат.

Окқўрғон туманида кўп йиллар спорт йўриқчиси бўлиб ишлаган Халил Қаршибоев ушбу ҳудудда тўпланган тажрибани мамлакатимизда кенг оммалаштириш тақлифини илгари сурмоқда. Хўш, Халил Қаршибоевни бунга нима мажбур қилди?

Қишлоқларда яшовчи аҳоли кўпроқ далаю мол-ҳол ташвиши билан банд бўлади. Кўпчилик иш билан овора бўлиб, ўз саломатлиги ҳақида қайғуришни хаёлига ҳам келтирмайди. Натижада шифокорнинг муолажаларига эҳтиёж сезилади...

Халил Қаршибоев бу ҳақда ўзича кўп ва хўп ўйлади. Унинг наздида ён-атрофида юрган таниш-билишларининг ичида мутлақо соғлом киши йўқ, Аслида мутлақ соғломлик — нисбий тушунча. Хавфли хасталик турлари: қон босими, миокард инфаркти, инсулт, қандли диабет, ортиқча вазн, ревматоид артрит, умуртқа поғонаси чурраси каби ўз-ўзидан пайдо бўлмайдиган хасталиклардан холи инсонларни соғлом одамлар, деб ҳисоблаймиз. Мабоодо элик ёшдан ошган бирор киши ана шу касалликлардан бирига чалинса, нима қилиши керак?

— Инсон умрини узайтирувчи омиллар унинг ўз қўлида, — дейди Халил Қаршибоев. — Жисмонан фаол ҳаракат қилиш, спортнинг камида уч-тўрт тури билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш, вақтида дам олиш энг муҳим мезондир. Туманимизнинг Султанобод фуқаролар йиғинига қарашли Кераит ва Калияс қишлоғида яшовчи 20 нафар 50

ёшдан ошган аёл ўртасида сўровнома ўтказдим. Уларнинг 14 нафари қон босими касаллигига учраган, бир нафарининг жигар фаолияти бузилган, бир нафари оёқ бўғимлари оғриғидан азият чекади. Атиги 4 нафаригина соғлиғидан шикоят қилмади. Биз 10—15 нафар аёлни тўллаб, уларга ўтказилган югуриш мусобақаларидан лавҳани намойиш қилдик. Улар шу ёшгача спортнинг бирор тури билан шуғулланмаганлигидан афсусландилар.

Саломатлик — туман бойлик. Соғлом одам жамиятга ҳам кўпроқ фойда келтиради. Султанобод қишлоғида Халил Қаршибоев ташаббуси билан бошланган югуриш мусобақалари натижасида бир қанча ёши улуг кишиларнинг саломатлигида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мусобақаларда ким қанча югуриши керак? Халил ака бунинг ўзига хос талабларини ҳам ишлаб чиққан. Унга кўра, 40 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркеклар 2000 метр, аёллар эса 1000 метрга-ча югуриши мумкин. 56 ёшдан 65 ёшгача бўлган эркеклар 1000 метр, шу ёшдаги аёллар 536 метр югуриши мақсадга мувофиқдир. 66 ёшдан ошган эркек ва аёллар учун масофа бир хил — 536 метр.

**Файзулла Бектурсунов, 64 ёш ва Ҳудойберди Нурбоев, 69 ёш:**  
— Касал бўлгандан кейин «чоп-чоп» қилгандан кўра, соғ пайтимизда югурганимиз аҳамияти катта экан. Илк бор югуриш мусобақасига қатнашганимизда, чарчаб, нафасимиз тикилгандек бўлди. Чунки мусқулла-



римиз «қотиб» кетган экан. Биз қариялар турли ёшда, белгиланган марра чизиги сари бир маромда чопамиз. Кимдир илгарилаб кетади, биров орқада қолади. Энг муҳими, танамизда камҳаракат бўлиб қолган мушаклар фаоллашганини сезамиз. Агар дастлабки югуришда 1000 метр масофани ҳансираб босиб ўтган бўлсак, кейингиларида марра чизиги жуда яқиндек туюлди.

**Тоштемир Жуманов, истеъфодаги майор, 87 ёш:**

— Мен ҳам ҳар куну ўнлаб метр масофани пиёда босаяпман. Оралликда 10—15 метр югураман, организмимни зўриқтиришдан қўрқаман. Аммо ана шу ҳолатда ҳам ўзимни енгил, ҳаракатчан, фаол сезаяпман, худди ёшаргандекман.


— Инсон танаси 34 ёшгача жисмонан чиниққан бўлиб, бу 44 ёшгача

давом этиши мумкин, — дейди Х.Қаршибоев. — Шундан сўнг жисмоний тетиклик ўрнини чарчоқ ёки пассивлик эгаллайди. 50 ёшдан бошлаб қарилик аломатлари сезилади. Агар ҳар бир киши 40 ёшдан югуриш, бадантарбия машқлари, умуман, спортнинг бир нечта тури билан шуғулланса, ўша аломатлар ўн, ўн беш йил орқага сурилиб, умр узаяди. Окқўрғон туманида бошланган ташаббусимизнинг замирида худди шундай эзгу ният бор. Югуриг, секин-асталик билан жадланган.

Оддий ва инкор қилиб бўлмайдиган бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик тўғри англаб етса, худудларда яшовчи отахону онахонларимиз ҳам соғлом турмуш тарзига амал қилса, бу, энг аввало, уларнинг ўзлари учун, қолаверса, жамиятимиз учун ҳам фойдали.

Хулқар ТҶИМАНОВА

Tashabbus



— Масканимизда таълим-тарбия жараёни янада такомиллаштириш учун болажонларнинг ҳафта кунларини маълум мақсадга йўналтирганмиз, — дейди муассаса раҳбари Саида Хайруллаева. — Масалан, душанба иқтидорли болалар кuni ҳисобланиб, бунда гуруҳлараро турли ижодий мусобақалар уюштирамиз. Бу эса кўплаб тарбияланувчиларнинг ҳали намоён бўлмаган қирраларини кашф этиш имкони бermoқда. Шунингдек, болажонларнинг дунёқараши, онгини ўстиришга қаратилган турли мавзулардаги тадбирлар, давра суҳбатлари ҳам ўтказиб келинmoқда. Уларнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун муассасамизда барча шарт-шароит етарли.



## НИГОҲЛАРДАГИ ҚУВОНЧ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Болалик – беғубор дунё. Уни эслаганда, кўнгилинг бир четида юракни орзиқтириб юборувчи энтиқиш вужудингни эгаллаб олади. Беихтиёр ўша беғубор оламга – бaxтли болаликка қайтгинг келди. Яққасарой туманидаги 125-мактабгача таълим муассасасида ана шундай беғуборлик ҳукмрон.

Жисмоний тарбия ва соғломлаштиришга йўналтирилган бу муассасада айни пайтда 280 нафардан ортиқ бола тарбияланmoқда. Уларга 30 нафардан зиёд малакали тарбиячи-педагоглар таълим-тарбия бериб келmoқда.

Бу ерда тарбияланувчилар учун бадий гимнастика, сузиш, шахмат, шашка, стол тенниси тўғараклари доимий фаолият олиб боради. Спорт майдончалари, сув ҳавзалари, шинам, ораста хоналарни кўриб ҳавасимиз ортди.


— Бадий гимнастика болани чаққон, хушқомат ва дидли қилиб тарбиялайди, — дейди жисмоний тарбия мураббийси М.Жўраева. — Айниқса, қизалоқларнинг бадий гимнастика билан доимий шуғулланиши уларнинг ўзига бўлган ишончини орттиради. Сузиш эса соғлиқни мустаҳкамловчи, чиниқтирувчи спорт туридир. У боланинг таянч аъзоларини мустаҳкамлайди.

— Боғчамизда ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган, — дея сўзида давом этади С.Хайруллаева. — Ота-оналар билан ишлаш деганда кўпинча кўз олдимизда зерикарли йиғилиш ва мажлислар гавдаланади. Биз бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида ўзига хос янгича усул жорий этдик. Ота-оналар ўртасида қизиқарли мусобақалар ташкил этганмиз. «Отам, онам ва мен» лойиҳаси асосида

ўтказилган расмлар танловида фарзандлари ижодини кўриб ота-оналар ҳам қизиқиб кетишди. Ота-оналар эртақ қаҳрамонлари расмини чизиб беришса, уни дид билан бўяш ва шарҳлаб бериш болажонларга юклатилади.

Боғчадан бир олам яхши таассурот билан ортга қайтдим. Фарзандларимизнинг бахтиёрлиги ва уларнинг нигоҳидаги қувонч, эртанги кунга бўлган ишончидан мамнун бўлдим.

Асолат ТУРСУНОВА



**Тошкент давлат иқтисодийёт университети иккинчи олий маълумот олиш учун куйидаги йўналишлар бўйича ҳужжатлар қабул қилинаётганлигини**

**ЭЪЛОН қилади:**

- |   |   |
|---|---|
| 1. Касб таълими: иқтисодийёт.                           | 8. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича).            |
| 2. Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари. | 9. Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича).                  |
| 3. Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича).           | 10. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси.                       |
| 4. Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича).             | 11. Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича). |
| 5. Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича).             | 12. Хизматлар соҳаси (сервис).                                |
| 6. Банк иши.  | 13. Меҳмонхона ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш.            |
| 7. Солиқлар ва солиққа тортиш.                          |   |

**Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 августигача Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уйда университетнинг 2-ўқув биносида қабул қилинади.**

<p><b>Ma'rifat</b></p> <p><b>TA'SIS ETUVCHILAR:</b></p> <p><i>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</i></p>	<p>Bosh muharrir: <b>Abdusamat RAHIMOV</b></p> <p>Tahrir hay'ati: <b>Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV</b> (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), <b>Baxtiyor YOQUBOV</b> (mas'ul kotib), <b>Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV</b> (bosh muharrir o'rinbosari), <b>Nurlan USMONOV</b> (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", <b>Aleksey CHUKARIN</b> (mas'ul kotib), "Учитель Узбекистана", <b>Sa'dulla HAKIMOV.</b></p>	<p>Gazeta <b>O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</b></p> <p>ISSN 2010-6416</p> <p>9 772010 641009</p> <p>INDEKS: 149, 150. Г-718. Тиражи 33294. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p>	<p><i>«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib boshish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.</i></p> <p>Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>Web-site: <a href="http://www.marifat.uz">www.marifat.uz</a></p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar: <b>Malohat TSHOVA, Mamur AHLIDINOV.</b></p> <p>Navbatchi muharrir: <b>Abror UMARQULOV.</b></p> <p>Navbatchi: <b>Sherali NAMOZOV.</b></p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>UzA ykuni — 20.45 Topshirildi — 21.30</p>
---	--	---	---	---